Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 11 январь, чоршанба • № 3 (10.679) • Эркин нархда сотилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ





9 январь куни халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг биринчи сессияси бўлди. Унда 1994 йил якунлари ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги вазифалар муҳокама этилди. Сессияда Республика Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Президент шу кунларда мамлакатимизда босиб ўтилган йўлни сарҳисоб қилиш, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиш, келажак режаларини белгилаш жараёни кетаётганини, шу нуқтаи назардан қараганда Тошкент вилоятидаги аҳвол кўнгилдагидек эмаслигини таъкидлади. Хусусан, саноатда, қишлоқ хўжалигида 1994 йили кутилган ўзгаришлар рўй бермади. Мамлакат иқтисодий салоҳиятида муҳим ўрин тутадиган заводлар, кичик ва қўшма корхоналар яхши натижаларга эриша олмади. Пахта, ғалла етиштириш режаси уддаланмади. Сабзавот, картошка, мева тайёрлаш миқдори 1993 йилга нисбатан камайди.Чорва моллари сони ҳам озайиб кетди. Халқ хўжалигида ислоҳотни амалга ошириш, айниқса мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни секин кечмоқда. Шунингдек, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ичимлик сув, газ билан таъминлаш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Ислом Каримов вазиятни ўнглаш, аввалги обрўни тиклаш йўлида вилоят меҳнаткашлари олдида турган вазифалар хусусида тўхталиб, халқ депутатлари кенгашининг янги таркиби халқни улуғ мақсад йўлида бирлаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан барча чора-тадбирларни кўради, деб ишонч билдирди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Республика Президентининг тавсиясига биноан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Эркин Рўзиев Тошкент вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов қатнашди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 январь куни Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов ЕХҲТнинг Будапештда ўтган учрашуви жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида муҳим ўрин тутишини қайд этар экан, айни пайтда ташкилот олдида янги вазифалар турганини, Ўзбекистон ЕХҲТ доирасида фаол ҳаракат қилиш ниятида эканини таъкидлади. Мамлакатимиз раҳбари жаноб Вильгельм Хойнкка Ўзбекистон Олий Мажлисига демократия ва кўппартиялик асосида ўтган сайлов натижалари хусусида сўзлаб берди.

Суҳбат чоғида, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жумладан, Тожикистондаги аҳвол масаласи муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ХАЛҚ ИШОНЧИ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Янги йилнинг дастлабки кунларида, сизларни сиҳат-саломат, бардам кўриб турганимдан мамнунман.

Сизларни ва сизлар орқали пойтахт вилоятимизнинг барча аҳолисини Янги — 1995 йил билан муборакбод этиб, ҳаммангизга бахт-саодат, хонадонингизга файз-барака ва омадлар тилайман.

Шу билан бирга мана шу залда ўтирган депутатларни ҳалқимиз билдирган юксак ишончни оқлаш йўлидаги фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсизлар.

Ҳаммангизга аёнки, бугунги кунда — юртимиз, жамиятимиз машаққатли синовлардан ўтаётган бир пайтда халқимизнинг ишончига мушарраф бўлиш ҳар қайси инсон учун катта обрў, катта ишонч шунингдек, жуда катта масъулиятдир. Ишонаманки, бундай шарафли ишончга сазовор бўлган депутатлар буни яхши тушунадилар, унинг қадр-қимматини қалбларидан ўтказиб баҳолайдилар.

Бундай мураккаб пайтда халқ кимнинг кимлигини айниқса яхши билиб олади. Ким эл-юрт манфаати учун чинакам қайғуряпти-ю, ким қуруқ, ҳавойи ваъдалар билан ўз мақсадини кўзлаяпти — одамлар сезиб-билиб турадилар.

Шу маънода Ўзбекистон ҳаётида, жамиятимиз тарихида илк бор эркин, кўп партиявийлик асосида сайловлар ўтказилиши улкан тарихий воқеа десак, асло муболаға бўлмайди.

Чунки биринчи марта ҳам Ўзбекистон парламентига — Олий Мажлисга, ҳам маҳаллий туман, шаҳар, вилоят кенгашларига номзодлар қўрсатишда, улар орасидан ҳақиқатда энг муносиб шахсни сайлаб, танлаб, ажратиб олишга имконият туғдирилди.

Биринчи бор сайловчи инсон учун Конституция берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўзининг хоҳиш-иродасини тўла намоён қилишига замин яратилди.

Бугун биз ўз юртимизда эркин ва озод жамият — адолатли ҳаёт пойдеворини, демократик давлатимизнинг асослари ва қадриятларини қураётган ва тиклаётган бир даврда ўтган сайловлар ва уларнинг натижаларидан Ўзбекистоннинг халқаро обрўйига обрў қўшилаётганини жамоатчилигимиз сезиб турганига аминман.

Шу билан бирга ўтган сайловлар фуқароларимиз сиёсий савиясининг ўсишида, одамларимиз онгида адолатга ишонч пайдо бўлишида ғоят ижобий таъсир қилаётганини ҳам кўриш мумкин.

Тарихимиздан маълумки, қадим замонлардан буён инсонларнинг энг катта ва эзгу орзуниятлари, мақсадлари ҳаётда адолат ўрнатиш, адолат ҳукмронлигини жамият ва ўз ҳаётида кўриш, ҳақиқат тантанаси учун курашдан иборат бўлган. Мен бир гапни кўп такрорлаб айтганман: халқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидаши мумкин, лекин адолат, ҳақиқат мезони бузилса чидолмайди. Адолат устун бўлган жойда иш юришади,юртда файзу барака,одамларда меҳр-оқибат устуворлик касб этади. Адолат бўлмаган жойда адоват пайдо бўлади,кишилар орасида низонифоқлар кучаяди. Буни тарихимиздан ва сўнгги йилларда ўлкамизда юз берган воқеалар мисолидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, инқилоб даврида ҳам, «босмачи» деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида «ўзбек иши», «пахта иши» деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, десантчилар келиб хонадонларимизни хонавайрон қилган вақтларда ҳам, Фарғона фожеаси туфайли халқимиз бошига ёғилган бало-офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат меъзони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, қачонки шу кўз билан тарихимизнинг аламли саҳифаларига тўғри баҳо-изоҳ берсак, кўп нарсани жойжойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани аввалambor олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олиши даркор.

Ҳаётда адолат ўрнатиш албатта ижтимоий тараққиётнинг кўпдан-кўп омилларига боғлиқ. Аммо энг муҳим, ҳал қилувчи омиллардан бири — бу эркин, одил сайлов тизимидир. Яъни ҳар қайси поғонада — жамоани, маҳаллами, корхонами, туманми, шаҳарми, вилоятми, давлатми, унинг ривожи ва тақдири кўп жиҳатдан муносиб ёки номуносиб шахсларни, ваколатларга эга бўлган раҳбарларни, сиз жумладан, ҳаётимиз — келажагимизни ишониб топширган нооиб-депутатларни сайлаб олишимизга боғлиқдир.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким инкор қилмаса керак, деб ўйлайман. Чунки, одамларнинг бошини қовуштириб, тинчлик-тотувлигини сақлаб, уларнинг эзгу ниятларини амалга оширишга йўлига бошлайдиган, ҳамдард ва раҳнамо бўлиб ўзидан ном қолдирадиган ҳам раҳбар. Ёки аксинча,мансаб курсисига ўтириб, ваъдаларига вафо қилмасдан, ўз манфаатини кўзлаб, ҳаром-ҳаришга қўл урадиган, ишнинг кўзини билмасдан, қўлидан иш келмасдан жамоа ҳаётини вайрон қилиб ўзидан доғ қолдирадиган ҳам раҳбар. Бу фикрларнинг асосий маъноси шуки — депутатлар ҳам, улар орасидан танлаб олинадиган раҳбарлар ҳам сайлов пайтида сайланади,қандай инсон эканлиги намоён бўлади.

Сайловлар маълум бир қолип ва тартибда, яъни эски замондан қолган усулда — хоҳлайсизми-йўқми, ёқадими-ёқмайдими, маъқулми-номаъқулми, ишонасизми-ишонмайсизми ҳаёт-мамотимизни ҳал қилувчи «улуғ партиямиз» — КПСС белгилаб берган танҳо номзодга овоз беришга мажбур бўлган замонимизда қандай эркинлик бўлиши мумкин эди?

Демократик давлат қураётган ҳозирги бир шароитда кўппартиявийлик, муқобиллик йўли билан ўтказган дастлабки сайловларимиз ҳаётимизга катта ўзгаришлар олиб кириши табиий. Шу сайловни ўтказиш жараёнининг ўзидаёқ одамларнинг онги ўзгарди, ҳаётга янги кўз билан қарайдиган бўлди.

Илгариги сайловларни эсга оладиган бўлсак, ҳар беш йилда бир хил одамларни депутатликка сайлар эдик. Сайлов арафасида улар катта ваъдалар берарди-ю, ваколати тугаётганида эса ҳеч ким улардан ҳисобот талаб қилмасди. Муқобиллик, кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказар эканмиз, буларнинг ҳаммасига ҳаётнинг ўзи чек қўйди.

Шунинг учун ҳам ўтган сайловларда сайловчиларга берилган ҳуқуқ — ўз овозини, ўз хоҳиш-иродасини билдириб, икки-уч номзоддан битта номзодни танлаб олиш ҳуқуқи ҳаётимизнинг янги босқичига қадам қўйиш билан баробар.

Келажакда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин,уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдига қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин.

Бошқача айтганда, одамларни ҳар хил бақириқ-чақириқлар билан майдону кўчаларга чорламасдан, уларнинг тинчлиги, тотувлиги, ижтимоий барқарорликни бузмасдан, адолатли сайлов орқали ҳокимият органларига вакилларини ўтказиш, ўзига ваколат олиш, туман, шаҳар, вилоят, республика Кенгашларида ўзлари берган ваъдаларни, дастурларини амалга оширишга куч-ғайратини бағишлаш, сайловчилар олдида олган ваколатларини ўз муддатида масъулият билан адо этиш — бу партиялар фаолиятининг бош йўналиши бўлиши лозим.

Партия дегани — бу мансаб учун, лавозим учун кураш эмас, балки муайян ғоя учун, унинг жамиятда устувор бўлиши ва рўёбга чиқиши учун кураш демакдир. Агар партия маъносини мана шу нуқтаи назардан тушунар эканмиз, қанча партия бўлса бўлаверсин, уларнинг фаолиятига тегишли шароит яратиб берилади.

Аммо, жамиятни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бирига қарамақарши қилиб қўйиш, турли бекаморликлар келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас.

Ўзбекистонда ҳали ўзини тутиб олган, мустаҳкам ғоясига эга бўлган партиялар шаклланиб улгурганича йўқ. ҲДПнинг тузилганига мана уч-тўрт йил бўлди. Лекин ҳали бу партиянинг ҳам амалий ҳаракатлари, ғояси билан одамларни ўзига жалб қилиш, янги дастурлар ишлаб чиқиш борасида кўп заиф томонлари бор. Келажакда бу партия ҳам ўзини тутиб олишига ишонаман.

Мен бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман: куни кеча «Яшасин КПСС!» деб қичқириб юрган баъзи кимсалар бугун ҳам ягона бир сиёсий куч, ягона бир партиянинг яккаҳокимлигини орзу қилиб юришибди. Яккапартиявийлик тузумида яшаган кунларимизнинг қандай хунук оқибатларга олиб келганини назарда тутиб, биз бунга асло йўл қўймаймиз. Бу ҳаммага аён бўлиши керак.

Умуман, чуқурроқ ўйлаб қарайдиган бўлсак, нима учун ёлғиз қандайдир сиёсий гуруҳ ўз манфаатини кўзлаб, ҳаётдан узоқ, сохта, баландпарвоз гаплар ва чақириқлар туфайли одамларни алдаб, ўз мансабпараст мақсадларига эришиши керак экан? Биз масаланинг бу тарзда қўйилишига бутунлай қаршимиз. Биз авало халқимиз, жамиятимизнинг барча аъзолари фаровон ҳаёт кечириб яшасин, деган ақида тарафдоримиз. Ишончим комилки, шундагина биз фуқаролар тотувлигига, миллатлар ҳамжиҳатлигига асосланган мустаҳкам демократик жамият қуришга эришамиз.

Сўнгги сайловларда маҳаллий Кенгашлар,Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияларидан кўрсатилган номзодлардан депутатлар сайланди. Энди депутатлар қайси тоифадан, партиядан, қайси гуруҳдан сайланган бўлсалар, шулар номидан ишлаши, фаолият кўрсатиши лозим.

Кечаги сайловлар натижасида маҳаллий кенгашлардан тахминан 67 фоиз, ҲДПдан 28 фоиз, «Ватан тараққиёти» партиясидан эса 5 фоиз депутат сайланди.

Кейинги сайловлар пайтида яна бир бор сайловчилар билан юзма-юз бўлганда ишга ноқобил, қуруқ ваъдалар билан сайловдан ўтган номзодларга халқ ўзи ҳакам бўлади. Агар одамлар дастлаб адашган бўлишса, навбатдаги учрашувларда анча пишиқ бўлиб қолишлари муқаррар.

Ишонаманки, халқаро тажрибада ўзини оқлаган мана шундай тизим-тартибга биз ҳам босқичмабосқич етиб борамиз, албатта.

Бугун Тошкент вилояти Кенгашига сайланган депутатлар ишга киришар экан, мана шу фикрларнинг мағзига етиб, ўз масъулиятларини чуқур англаб олиб, фаолиятларини бошлашлари керак.

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларга танқидий кўз ташлаб, аввалambor, йўл қўйилган камчиликлар, хатоларни баҳолаб, ундан кейин янги йил режаларини кўриш лозим.

Тошкент вилояти — катта салоҳиятга эга бўлган, меҳнаткаш, билимдон, ишнинг кўзини биладиган, омилкор аҳолисининг маҳорати билан донг қозонган, доимо бошқаларга намуна бўлиб келган вилоятдир.

Буни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор қилолмайди. Саноат, қурилиш, деҳқончилик, хизмат тармоқлари — қандай соҳани олсангиз ҳам, буларнинг барчасида республиканинг, узоқ-яқин жойларида маълум ва машҳур бўлган Тошкент вилоятининг меҳнат жамоаларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимиздаги энг улкан, катта имкониятларга эга бўлган корхоналар ҳам Тошкент вилоятида. Кадрлар ҳақида гапирадиган бўлсак, зиёлилар ҳақида гапирадиган бўлсак — ҳар доим Тошкент вилоятини фахр билан тилга оламиз.

Республика миқёсида ҳавас қиладиган одамлар, Ўзбекистоннинг шуҳратини оламга таратаётган инсонлар ҳам шу вилоятдан чиққан. Буларнинг ҳаммасини инобатга олсак, Тошкент вилоятидан кўп нарсаларни кутиш лозим бўлади. Аввалambor, бугун юртимизда бўлаётган янгиланиш, ислоҳотларда бу вилоятнинг пешқадамлар сафида бўлишини кутишга ҳақлимиз.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: Тошкент вилоятини республика илғорлари қаторида кўриш ҳаммамиз учун табиий ҳолдир.

Лекин, минг афсуски, вилоятда олиб борилаётган ишлар билан танишганда, ҳавас қилгулик жиҳатлар йўқлигини кўриб ҳам ачинасиз, ҳам таажжубга тушасиз. Нима бўлди-ю, кейинги йилларда вилоятда иш юришмай қолди. Халқ хўжалик соҳаларидаги қўсаткичлар йилдан- йилга пасайиб бормоқда. Бундай ҳолни тушуниш жуда қийин. Чунки, бундан бир йил аввал — 1993 йил декабрь ойида Тошкент вилояти фаоллари билан учрашувда айни шу мамундаги гаплар айтилган, бугун шу йиғинда ўтирган кўпгина туман, вилоят раҳбарлари иштирокида аҳвол батафсил таҳлил қилиниб, очиқ-ойдин баҳо берилган эди.

Бугунги мажлисда ўтган давр мобайнида вилоятда қилган ишларимизга якун ясасак, мақтаниш уёқда турсин, кўп соҳалардаги вазиятни тушуниш қийин. Ҳўш, 1994 йилда 1993 йилга нисбатан қандай ўзгаришлар юз берди?

Саноат соҳасини қараб чиқайлик.

Вилоятдаги қайси йирик корхонани олсангиз ҳам аҳвол ғоят ташвишланарли эканини кўрасиз. Айниқса, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Электрохимпром», Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида (бу рўйхатни давом эттириш мумкин), аҳвол ниҳоятда ачинарлидир.

Вилоятда тахминан 2500 та кичик ва хусусий корхона тузилганига қарамасдан, улардан бирортаси ҳам рақобатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эмас.

Ташкил қилинган 66 қўшма корхоналардан 50 фоизи фаолият кўрсатмоқда, холос. Кўпчилик раҳбарлар бугунги вазиятни собиқ Иттифоқ пароканда бўлгандан кейин алоқалар узилишига боғлаб ўтирибдилар, шу сабабларни рўкач қилмоқдалар.

Албатта, ҳаммамиз тушунамиз, бунинг таъсири катта. Лекин ундан буён орадан уч йил ўтиб кетди. Хўш, тоқайгача яна эски замонни қўмсаб ўтирамиз? Ишлашни истаган, изланувчан раҳбар ва жамоалар ўз ишини бошқатдан ташкил қилиб, ўзини анча тутиб олди.

Иккинчидан, агар Россия билан алоқалар узилгани сабаб бўлса, у ҳолда нима учун Россиянинг ўзидаги корхоналар тўхтаб қолган? Бунга сабаб нима? Уларга ким халақит беряпти? Уларнинг ўзаро алоқаларини ким бузяпти? Асосий масала-алоқалар узилишида эмас, балки ишни янгича ташкил қилолмасликдадир, бозор иқтисоди қонунларининг бугунги кайфиятларга тўғри келмаслигидадир.

Асосий сабаб шундаки, баъзи катта корхоналарнинг раҳбарлари, шояд бирон-бир шаклда, айтайлик, Евроосиё ниқобида яна СССР қайта тикланармикан, деган умидда хомхаёл бўлиб юришибди. Бундай кайфиятлар ҳам борлигини очиқ айтишимиз керак.

Ҳаммамиз яхши англаб олишимиз керакки, гап СССРнинг емирилганида эмас, балки илгари бошқача иқтисодий тизим шароитида ишлаган ва яшаган бўлсак, эндиликда бутунлай янги иқтисодий тизимга ўтаётганлигимиздадир.

Муайян кучлар Ўзбекистон халқ хўжалигининг стратегик тармоқлари — олтин, металлургия, рангли металл ишлаб чиқариш соҳаларини барбод қилишга интилмоқдалар. Ва шу тариқа бизнинг бўйинимизга яна бўйинтуруқ илиб марказга тобе қилишга уринмоқдалар. Биз буларнинг барчасига ҳушёр кўз билан баҳо бермоғимиз даркор.

Биз дунё бозоридан хомашё билан эмас, аксинча, сифатли, рақобатга бардош бера оладиган тайёр маҳсулот билан ўз муносиб ўрнимизни эгаллашимиз лозим. Муаммоларни, олдимизда турган тўсиқларни бартараф қилишнинг асосий йўли шу.

Шундай кунлар келади, келмоқда ҳам. Ўзбекистон тобора жаҳон бозорига чиқиб бормоқда.

Аммо бу улуғ мақсадларга етиш учун, фарзандларимизга озод, эркин, фаровон ҳаёт яратиб бериш учун қийинчиликларга мардона бардош бериб, сидқидилдан меҳнат қилишимиз керак.

Афсуски, шу нуқтаи назардан вилоятдаги бошқа соҳалар ишига назар ташласангиз, қурилиш, хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳам кўпида деярли ўзгаришлар йўқлигини кўрасиз. Эски ҳаммом, эски тос. Кўпгина ҳолатларни таҳлил қилганда аввалambor боқимандалик кайфияти ҳамон ҳукм сураётганини сезиш мумкин. Аввало, раҳбарлар ўзини мустақил ва мустаҳкам сезмасдан, ниманидир пойлаб ўтирганини кўриш мумкин.

Яна бир бор аниқ ва қатъий айтмоқчиман: эски замон энди ҳеч қачон қайтмайди! Бекорга пойлаб-қўмсаб ўтирибсизлар. Вақти-соати келди энди жавоб беришга. Ёки бугунги замон талаби билан ишлайсизлар ёки овора бўлмасдан, бизларни ҳам овора қилмасдан, йўлни тўсмасдан, жойингизни бўшатиб берасизлар!

Қишлоқ хўжалик соҳасидаги аҳвол саноатдагидан ҳам яхшироқ. Айтинглар, бу ҳолга ким жавобгар? Ким четдан туриб вилоятга халақит бермоқда, ишингизга ғов бўлмоқда? Балки шу залда ўтирган туман ҳокимлари ва хўжалик раҳбарлари ўтган йил мавсуми натижаларини, якунларини изоҳлаб, тушунтириб беришар?

Шуниси ачинарлики, вилоятда пахтачилик бўйича йиллик режани уддалай олмаган туманлар ва хўжаликларнинг деҳқонлари 33 фоизлик имкониятдан, янги қўшимча катта даромадлардан маҳрум бўлдилар. Мен буларнинг ҳаммаси раҳбарлик ва бошқарувнинг нотўғри ташкил этилганлиги оқибати, деб биламан. 1994 йил мавсумида бошқа сабабларни рўкач қилишга ва ўзини оқлашга ўрин йўқ, деб ўйлайман.

Галлачиликда ҳам ўтган мавсумда ҳосилдорликнинг яна пасайиб, маҳсулот умумий ҳажмининг янада қониқарсиз даражага тушиб қолганлиги эътиборни жалб қилади.

1994 йили вилоятда дон ҳосилдорлигининг 3-4 центнерга камайиб кетганлигини ҳеч қандай сабаб билан оқлаш мумкин эмас. Бундай аҳволда Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиш масаласини ҳал этишда пойтахт деҳқонларининг ҳиссаси қандай бўлади, буни бир чуқурроқ ўйлаб кўрайлик!

Сабзавотчилик соҳасини олиб қўрадиган бўлсак, яна нохуш манзарага дуч келамиз. Тошкент вилоятининг кўп туман ва хўжаликларининг сабзавотчиликка ихтисослаштирилгани маълум. Хўш, шундай экан, ўтган даврда бу соҳада қандай ютуқларга эришдик? 1994 йили 1993 йилга нисбатан вилоятда 22,5 минг тонна сабзавот, 16 минг тонна картошка, минг тонна узум кам етиштирилди. Агар Тошкент вилоятида сабзавотчилик шу суръатлар билан ривож топадиган бўлса, Тошкент шаҳрининг 2 млн. 300 минг кишилик аҳолисини таъминоти у ёқда турсин, вилоят аҳолисини боқиш ҳам амримаҳолдир.

Энг оғир аҳвол чорвачилик тармоғида мавжуд. Биргина 1994 йилнинг ўзида хўжаликлар ҳисобидаги қора молларнинг сони 14 мингтага, қўй-эчкилар 52 мингтага, паррандалар сони 500 мингтага камайиб кетганини қандай изоҳлаш керак?

Бундай ачинарли, ночор аҳволнинг сабабларини кўп нарсаларда кўриш мумкин. Лекин ***бу иллатнинг асосий сабаб ва илдизларини ишни эскича ташкил қилиш, бепарволик, лоқайдлик, раҳбарлар ва мутасадди мутахассисларнинг суяги эски тизим қоидаларида қотиб қолганлигида кўриш мумкин.***

Ислоҳотларни ўтакетган расмиятчилик, хўжакўрсинлик усулида ўтказиш, ҳар қандай янгиликка қарши туриш, бугунги замон талабларини мутлақо тушунмаслик ва уларга қаршилик кўрсатиш ҳам бу ҳолатнинг сабабларидир. Мулк шаклини ўзгартириш бўйича эълон қилинган фармон ва қарорларни бажариш ўрнига ҳар қадамда уларга тўсқинлик қилаётган бюрократик тартиблар ҳам бунинг яна бир сабабидир.

Заҳматкаш, оддий деҳқонни ҳурмат қилмаслик, унда мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялаш у ёқда турсин, янги пайдо бўлаётган фермерларга, мулк эгаларига тўсқинлик қилиш — ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасини йўққа чиқаради.

Яна бир бор айтаман: бугунги босқичда кўп нарса ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларининг савиясига, инсофига, ишбилармонлиги ва тадбиркорлигига боғлиқ. Ҳамма белгилаган тадбирларимиз, дастурларимизнинг бажарилиши шуларга боғлиқ бўлиб турибди. Бироқ, минг афсуски, эски замон тарбияси билан суяги қотган, ўртача поғонада ўтирган кўпчилик раҳбар ва фаолларимиз аксарият ҳолларда бугунги ислоҳотларга ғов бўлиб турибди. Чунки бундай кимсалар аввало янгиликдан қўрқади, маъсулиятни ўзига олмайди, эшигимизни қоқиб турган бугунги ҳаёт талабларини тушунишни хоҳламайди, давлат-жамоа мулкини худди ота-бобосидан қолган меросдай билади.

Бу ҳолатнинг энг ёмон, хавфли томони шундаки, буларнинг барчаси давлат номидан гапиради, одамларга ўзини давлат вакиллари деб кўрсатади, ислоҳотларнинг обрўйини тўкади. Оддий фуқаролар, деҳқонларимиз эртага ҳам шу ҳолат давом этса, ислоҳотларга ишончини йўқотиши мумкин. У ҳолда уларнинг ишдан қўли совиб, ҳафсаласи пир бўлиб қолиши табиий ҳолдир.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИНИ ОСОНЛАШТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ МАҚСАДИДА:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини хорижий сармоя иштирокида амалга оширадиган янги тузиладиган корхоналарни ҳуқуқий жиҳатдан экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш вазифаси 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юкланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур корхоналарни рўйхатга олиш вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан зарур келишувни таъминлаб, қўшма корхоналарни қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қўшма корхоналар давлат реестрини, шунингдек хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ва ижро учун қабул қилинган ҳужжатларни уч ҳафта ичида белгиланган тартибда Адлия вазирлигига топширсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, олдин рўйхатга олинган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар ушбу Фармонга мувофиқ қайтадан рўйхатга олинмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

— белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритсин;

-Ўзбекистон Республикаси ҳукумати илгари қабул қилган қарорлар, шунингдек вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. М. РЎЗИЕВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 93 (12 банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Эркин Маҳмудович Рўзиев Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

М. ИКРОМОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мирзамурот Икромов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 январь.

Тошкент вилояти ҳокими

ЭРКИН МАҲМУДОВИЧ РЎЗИЕВ



1947 йилда хизматчи оиласида туғилган, ўзбек, олий маълумотли, саноат техникумини, Тошкент Олий партия мактабини ва Тошкент иқтисодиёт университетини тугатган. Пўлат эритувчи техник ва иқтисодчи малакасига эга.

Меҳнат фаолиятини 1964 йилда автобаза токарлигидан бошлаган. Сўнгра «Бекободгаз» трестида чилангар, Ўзбек металлургия заводининг мартен цехида ишчи, пўлат қуювчи ёрдамчиси, корхона муҳандиси вазифаларида меҳнат қилди.

Беш йил давомида раҳбар партия ишларида бўлди. 1990 йилда Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгаши раиси лавозимида, кейин Тошкент вилояти ижроия қўмитасининг раиси вазифасида фаолият кўрсатди.

1991-1992 йилларда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Тошкент вилояти Кенгашининг биринчи котиби, сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси бошлиғи, Бекобод шаҳар ҳокими бўлиб ишлади.

1993 йилда Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи муовини этиб тайинланди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати.

ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Демак, йўлимизда ғов бўлиб турган мана шундай ўтакетган бюрократларни, бугунги сиёсатни англамасдан, ўз шахсий манфаати билангина юрган раҳбарларни уйғотмасак, онгини, тушунчаси ва дунёқарашини ўзгартирмасак, лозим бўлса, алмаштирмасак, биз ислоҳотлардан кўзланган максадларга эришолмаймиз. Бу — аниқ гап, буни ошкора айтишимиз ва бу йўлда азму шижоат билан аниқ фаолият олиб боришимиз шарт.

Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилояти аҳолисини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи халқимизнинг ижтимоий аҳволини, уларнинг ичимлик суви ва газ билан таъминотини баҳоласак, жуда ачинарли хулосаларга дуч келиш мумкин.

Бўка, Пискент, Оққўрғон туманларида газлаштириш бор йўғи 20-25 фоизни ташкил қилади. Ангрен шаҳри эса табиий газ билан яхши таъминланмаганлиги, Бўстонлиқ, Куйичирчиқ, Оққўрғон ва Зангиота туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги наҳотки бу жойларда йўлбошчи бўлиб юрган раҳбарларни ташвишга солмаса?!

Билмадим, бугун шу залда ўтирган ҳокимлар қишлоқларда яшаётган одамларнинг аҳволини шу нуқтаи назардан баҳолайдимийўқми? Вазиятнинг масъулиятини, унинг оқибатларини англайдими? Англайдиган бўлса, ўз сайловчиларининг юзига қандай қарайди? Берган ваъдаларининг устидан чиқолмайдиган депутатлар, аввалambор, ҳокимлар эртага қай аҳволда қолишларини сезадимийўқми?

Куни кеча бўлиб ўтган сайловларда айрим туманларнинг ҳокимлари ҳатто туман кенгаши депутатлигига ҳам сайлана олмай қолганликлари барча каттаю кичик раҳбарларимизнинг кўзини очиши, уларни ҳушёрликка даъват этиши лозим. Энди ёлғон-яшиқ ваъдалар билан одамларни алдаб бўлмайди. Ким бўлишимиздан, қандай юксак лавозимни эгаллаганлигимиздан қатъий назар, эртага кўпчилик олдида, халқ олдида жавоб беришимиз, ҳисоб беришимиз муқаррар эканлигини унутишга асло ҳаққимиз йўқ.

Раҳбар шахс учун эса эл-юрт назаридан қолиш, жамоатчилик ишончидан маҳрум бўлишдан кўра оғирроқ жазо йўқ.

Тошкент вилоятида соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасаларининг моддий-техника аҳволини мустаҳкамлаш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаётганлигини афсус билан қайд этиш зарур. Бир қанча хўжаликларнинг молиявий шароити оғир ҳолатда экани айниқса ачинарлидир.

Банкларнинг фаолияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим. Илгарилари савдо-таъминот соҳасида ишлаётганлар орасида нопок кимсалар бор, деган фикр мавжуд бўлса, бугун ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қиладиганлар асосан банк муассасаларида жойлашган, десак, хато бўлмайди. Бу соҳани тез кунларда тозалаш, мустаҳкам тартиб ўрнатиш, ишни янги услубда ташкил қилишга ўтиш бизнинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифамиздир.

Вилоятда вазиятни барқарорлаштириш, тинчлик ва осойишталикни, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш бўйича жиддий ишлар олиб борилмаганлиги туфайли 1994 йилнинг ўн бир ойлик маълумотларига қараганда қасддан одам ўлдириш,порахўрлик ва таъмагирлик каби жиноят турлари кўпаймоқда.Аҳвол шу даражага етиб борганки,ҳатто ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари орасида жиноятга қўл урганлари ҳам йўқ эмас. Ахир қонун ҳимоячиларининг ўзлари қонунбузарлик билан шуғулланса, оддий фуқаролардан нимани талаб қилишимиз мумкин?

Ислоҳотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири аввалambор кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқдир. Бугунги ўтиш даврида бу муаммо энг мураккаб, энг оғир масалага айланиб қолиши кўпчиликка маълум. Бу муаммони тўғри ечишга эриша олсак, халқ ғамини, ташвишини ўз дардидай ҳис қиладиган, ишбилармон, тадбиркор, билимдон, инсофли, диёнатли, элим деб, юртим деб ёниб турган одамларни жой-жойига қўйиш масаласини ҳал эта олсак, аминманки, ишларимиз доимо бароридан келади, зафар ва омадлар ёр бўлади.

Бугунги кунда эски тизим янги, эркин тизимга ўз жойини бўшатиб бераётган бир пайтда — бу масала энг муҳим, ҳал қилувчи вазифага айланмоқда.

Бугун муҳокама этаётган масалаларимизнинг негизида кадрни тўғри танлаш, масъулиятли лавозимга муносиб раҳбарларни тайинлаш масаласи бор. Нега деганда ҳисобот даврида йўл қўйилган кўпгина хато ва камчиликлар замирида танланган раҳбарларнинг ҳақиқий раҳбарлик қобилиятига эга бўлмаганлиги, бугунги замон талабларига жавоб беролмаганлиги ётибди. Шу маънода Тошкент вилоятининг ҳокимини тайинлаётганида хатоликка йўл қўйилгани бугун аниқ. Буни очиқ тан олишимиз лозим. Мирзамурод Икромов тайинланаётган, сайланаётган пайтда биз холис ният, катта умид билан, уни ёш мутахассис раҳбар сифатида, Ўртачирчиқ туманидаги меҳнат фаолиятида ҳам ўзини иши билан кўрсатганини инобатга олган эдик. Кўпгина номзодлар орасидан у кишини ажратиб олган эдик. Лекин, минг афсуски, Мирзамурод Икромов билдирилган ишончни ўз фаолияти билан оқлай олмади.

Яхши биласизлар, юртимиздаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, туман, вилоят дейсизми, ўзига хос бир файзи бор. Оллоҳ таолонинг шу юртга ато этган марҳаматлари, берган неъматлари ҳам мана шу файз-бараканинг ифодаси деб биламан. Ўзини етакчи деган ҳар қайси раҳбар мана шу файз-бараканинг маъносини, мазмун-моҳиятини чуқур англаши, кўз қорачиғидай асраб-авайлаши лозим. Ўзининг пок орзу-ниятлари билан, соф ва холисона ҳаракатлари билан эл-юртнинг ишончини қозониши ва мустаҳкамлаши даркор.

Афсуски, шундай вазият Мирзамурод Икромов раҳбарликка келиши билан Тошкент вилоятида мавжуд бўлмади.

Ҳар қайси раҳбар ўз фаолиятини аввалambор одамларнинг бошини қовуштириш, бирлаштиришдан, аҳиллик ва тотувликни қарор топтиришдан бошлаши керак. Атрофида ишлаётган фаолларга иши билан ибрат бўлиб, уларни изидан эргаштира олиши зарур. Икромовнинг раҳбарлик фаолияти кадрларни бошқаришдан эмас, уларга қарши курашдан бошланди. У ишни кўпчиликни ўзига қарама-қарши қўйиб, муҳитни бузишдан бошлади. Албатта, ишда талабчанлик, қаттиққўллик керак. Қаттиққўлликни ҳам одамлар тўғри тушунади, агар қаттиққўллик адолатга, одамларни ҳурмат қилишга асосланган бўлса, ҳар қандай инсон ҳам буни тан олади.

Ҳар қайси раҳбар — аввалambор инсон. Инсоннинг ўзига хос камчиликлари бўлиши табиий. Лекин манманлик, бошқаларни менсимаслик, ўзини катта тутиш, гердайиш, ўзбошимчалик энг хунук, ҳеч кимга ёқмайдиган хусусиятлардандир. Афсуски, Икромов бундай хусусиятлардан катта лавозим эгаси бўлганида ҳам қутула олмади.

Албатта, ҳеч ким осмондан тайёр раҳбар бўлиб тушмайди. Инсон фақатгина олижаноб фазилатларга эга бўлиб туғилмайди. Агарки, одамзод ўрганмоқчи бўлса, кундалик ҳаёт ўзининг сабоқлари, аччиқ тажрибалари билан уни кўп нарсага ўргатиши мумкин. Йил давомида Икромов кўп марта огоҳлантирилди, лекин бундан хулоса чиқармади.

Ориятли, мард одам бундай пайтда албатта тегишли хулоса, сабоқ чиқаради, ишини, фаолиятини ўзгартиришга ҳаракат қилади. Мана шундай аччиқ ҳақиқатни инобатга олган ҳолда, Икромовнинг ўзи вазиятни англаб, вилоят ҳокимлиги лавозимидан озод қилишни сўраб ариза берди. Уйлайманки, Икромовнинг аризасини қондириш керак.

Ҳурматли дўстлар!

Сўзимнинг охирида эътиборингизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши «салтанат ишларида тўғри нарсага амал қилиш лозим» деб айтган эканлар:

— ***кенгаш***
— ***маслаҳату машварат***
— ***қатъий қарор***
— ***тадбиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик.***

Бу тўрт омил, яъни — кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб уқдиради соҳибқирон бобомиз.

Истар эдимки, Тошкент вилоятининг бугунги сайланадиган янги ҳокими, шу залда ўтирган барча катта-кичик раҳбарлар шу доно ўгитларга оғишмай амал қилсак, уларни ўз фаолиятимизнинг асосий дастуруламали деб билсак, фарзандларимиз камолини ўйлаб, уларга улуғ ва озод Ватанни мерос қилиб қолдириш орзуси билан яшаб-меҳнат қилсак, иншооллоҳ, Тангри ҳам, буюк аждодларимизнинг руҳлари ҳам бизни ҳамиша қўллаб-қувватлайди, эзгу мақсадларимизга етказади.

ПОЛЬША: ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Польша Шарқий Европа мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришган давлатдир. 1989 йил сентябрида таркиб топган Лешек Балцерович раҳбарлигидаги ҳукумат мамлакат сиёсий ва иқтисодий тизимини бутунлай қайта тузиш заруратини тан олди. 1990 йил январдан Польша тубдан бозор муносабатларига ўтишни бошлади. Иқтисодий ислоҳотларнинг ушбу дастури «Балцерович режаси» номи билан машҳурдир.

Бу режа Польшанинг ривожланган мамлакатларда синалган русумдаги бозор муносабатларига ўтишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Умуман, мамлакатда айни пайтгача амалга оширилган ислоҳотларни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин: илк босқич («фалаж қилиб даволаш босқичи» ҳам деб аталади), ўтиш даври, таъсирчан чоралар даври.

Миллий иқтисодиётнинг «очиқлиги»ни таъминлаш мамлакат ишлаб чиқаришини юксалтириш омилларидан бири бўлди. Сўнгги йилларда хорижий сармоядорлар Польша иқтисодиётига 2 миллиард доллар миқдорида сармоя киритдилар. ЮНЕСКО маълумотларига қараганда, бу борада Польша Европада биринчи ўринга чиқиб олди. Айни пайтда мамлакатда хориж сармояси иштирокидаги етти мингдан зиёд саноат корхоналари ишлаб турибди.

Шу йўл билан 1992 йилда мамлакат ялпи миллий маҳсулоти камайиши тўхтатилди. Кейинги йили эса ялпи миллий маҳсулот 4 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариши эса 6,2 фоизни ташкил этди. Мана икки йилдирки, Польшада ялпи миллий маҳсулот йиллик ўсишида барқарорлик кузатилмоқда.

Иқтисодий турғунликдан халос бўлишда хусусий секторни ривожлантириш катта ҳисса қўшди. Мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулотнинг эллик фоизидан ортиғи хусусий корхоналар ҳиссасига тўғри келиши фикримизнинг далилидир.

Польша халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмагида миллий валюта қадрсизланишининг олдини олишда талай муваффақиятларни қўлга киритди. Валюта бозорининг ҳам барқарорлашишига эришилди.

Бу муваффақиятларда 1993 йил сентябрида мамлакат сиёсий ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг таъсири каттадир. Маълумки, бу муддатда коммунистлардан сўнг мамлакат ҳокимиятини бошқарган «Бирдамлик» («Солидарность») ўз мавқеини бой берган эди. Поляк фермерлари, ишчилари ҳокимият тепасига Польша Деҳқонлар партияси (ПДП) ва Сўл демократик кучлар иттифоқи (СДКИ) келиши учун овоз бердилар. Мамлакат сейми ПДП раҳбари Валдемар Павлякни Бош вазир этиб тайинлади.

Янги Бош вазир ислоҳотлар йўлини сақлаган ҳолда унинг давлат томонидан бошқарилишига, ўтиш даврида халқнинг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратмоқда. Шунга қарамай, мамлакатда умуман, ижтимоий эҳтиёжларга харажатлар камайиб боряпти. Бу ҳол ва ишсизликнинг ошиб бориши (ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 16 фоизни ташкил этди) айрим норозиликларга сабаб бўлаётир.

Польша Европа иттифоқи мамлакатлари билан тўла интеграциялашув йўлини тутмоқда. У ўтган йили февраль ойида НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига ҳам аъзо бўлди. Мамлакат ЕХҲК ва БМТ доирасида жаҳонда тинчлик ва барқарорлик таъминланишида фаол иштирок этмоқда. ЕХХКнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Варшавада жойлашгани, Польшанинг Югославия можаросини ҳал этишдаги ҳаракатлари шулар жумласидандир.

Польша собиқ Иттифоқ ҳудудида мустақил давлатлар вужудга келишини хайрихоҳлик билан кутиб олди. Жумладан, у 1991 йил 27 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йил 19 мартида эса икки мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатлар ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиш, сиёсий ва иқтисодий мазмун билан бойиш жараёнидадир. 1992 йил кузида Польша ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазири Анже Арендарский раҳбарлигидаги шу мамлакат делегацияси юртимизда бўлиб, Ўзбекистон бозори, иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик имкониятларини ўрганди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар мамлакатимиз корхоналари ва Польша фирмаларининг ўзаро шартномалари асосида ривож топди. 1993-1994 йилларда икки мамлакат ўртасидаги маҳсулотлар айирбошлаш ҳажми йилига 30 миллион АҚШ долларига тенг бўлди.


Ўзаро алоқалар ривожига «Натал гўзал», «Тонг-ЭСО», «Комел» каби Ўзбекистон-Польша қўшма корхоналари катта ҳисса қўшмоқда. Ҳозир мамлакатимизда 8 та шундай корхона фаолият кўрсатяпти. Улар савдо-воситачилик, маркетинг ва реклама хизматлари кўрсатишга ихтисослашган. Бундан ташқари, республикамизда ўз ваколатхонасига эга бўлган, «Полимекс-цекон» ҳамда дизел агрегатлари, «Икарус» русумидаги автобуслар эҳтиёт қисмлари етказиб бераётган «Пезетел», «Бумар трейд» номли Польша фирма ва корхоналари ҳам мамлакатимиз билан яхши ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

1992 йил июнида эса амалий ва маданий ҳамкорликка кўмаклашувчи «Ўзбекистон-Польша» ассоциацияси ташкил этилди. Бу ассоциация ҳам икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшяпти.

Ўзбек ва поляк олимларининг биргаликдаги илмий изланишлари ҳамкорликнинг истиқболли ва самарали жабҳаларидандир. Ўзбекистон Фанлар академияси «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Польша Фанлар академиясининг ядровий тадқиқотлар институтининг биргаликдаги илмий изланишлари, Самарқанд ва Варшава институтлари олимларининг тарих соҳасидаги ҳамкорлиги шулар жумласидандир.

Хабар қилинганидек, шу йил 11-12 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польшага расмий сафар қилади. Ўзбекистон ва Польшанинг ислоҳотларни амалга оширишдаги йўли турлича бўлса-да, ўзаро тажриба ва фикр алмашув албатта фойдадан холи бўлмайди. Шу боис ташриф чоғида имзоланадиган ҳужжатлар, мулоқот ва учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Амирқул КАРИМ. (ЎзА).



ЖУРНАЛИСТЛАР ВА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Экология ҳамда у билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни «Экосан» Ўзбекистон экология ва саломатлик халқаро жамғармасида ўтган учрашувнинг мавзуси бўлди. Унда етакчи газета ва журналларнинг, давлат телерадиокомпаниясининг, республика миллий ахборот агентлигининг вакиллари иштирок этдилар.

«Экосан» жамғармаси матбуот, телевидение ва радиода 1995 йилда экология ва соғлиқни сақлаш мавзусини яхши ёритиш учун республика кўрик-танлови эълон қилди. Кўрик-танлов ғолиблари махсус мукофот ва «Экосан» халқаро жамғармасининг дипломлари билан тақдирланади.

(ЎзА мухбири).

Навбатдаги смена ҳам тугади. Иш натижалари анча дуруст бўлди. Буни смена тугаганидан кейин ўзаро суҳбатлашиб турган оператор Абдураҳмон Абдуразоқов (чапдан), катта қуювчи Маҳмуд Жўраев ва чиланғар Абдураззоқ Жўраевларнинг ўзаро суҳбат вақтидаги чеҳраларидан ҳам билса бўлади. Бу илғор ишчилар Ўзбекистон металлургия заводи жамоаси ўртасида самарали меҳнатлари билан обрў-эътибор қозонишган.

Э. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ВИЖДОНАН ИШЛАЙДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

1994 ЙИЛ бизнинг металлургия заводимиз солномасида ўзига ҳос из қолдирди. Корхонамиз меҳнат аҳлининг ёдида бир умрга муҳрланиб қоладиган қувончли воқеалар содир бўлди. Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган заводимизда биринчи ўзбек пўлати эритилганлигининг ярим асрлик санаси республикамизда умумхалқ байрами сифатида нишонланди. Чунки, байналмилал жамоамиз ишлаб чиқараётган пўлат, прокат республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ўтган йили заводимизда яна бир янгилик юз берди. Бу ерда зўлдир ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулот республикамиз учун сув ва ҳаводек зарур эди, чунки, саноат корхоналари, турли қонлардаги маъданларни майдаловчи тегирмонлар зўлдир етишмаслиги оқибатида тўла қувват билан ишламай қолдилар. Илгари асосан Россиядан олинадиган бундай маҳсулот жуда кам келадиган бўлиб қолган эди. Зўлдирлар ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга тушириш билан биз бу муаммоларнинг ижобий ҳал қилинишига салмоқли улуш қўшишга муваффақ бўлдик.

Жамоамизнинг меҳнатда қўлга киритган бу ютуғи юксак баҳоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан республика металлургия саноатини ривожлантиришда, зўлдир прокати станини қуриб, ўз вақтида ишга туширишда юқори меҳнат самарадорлигига эришган бир гуруҳ металлургларга республика орденлари, Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Улар қаторида мен ҳам бўлишимни ҳеч хаёлимга келтирмаган эдим. Қадрдон металлургларимизнинг бу ишига баҳоли қудрат қўшган ҳиссам «Шуҳрат» медалига сазовор бўлганлигидан бошим осмонга етди.

Албатта, ўз навбатида бундай тақдирланишга янада унумли, сифатли меҳнат билан жавоб беришимиз, элим деб, юртим деб, виждонан фидокорона ишлашимиз лозим. Металлургия саноати республикамиз иқтисодий куч-қудратининг негизларидан бири эканлигини яхши тушунамиз. Бу эса ҳар биримизга куч-ғайрат бахш этади. Шубҳа йўққи, металлургларимиз янги йилнинг дастлабки кунларидан ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, ҳормай-толмай ишлашни давом эттирадилар, бу билан мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз фаровонлиги ортишига қўшаётган ўз ҳиссалари янада салмоқли бўлишига эришадилар.

Қ. РУСТАМОВ,
Ўзбекистон металлургия заводи ишчиси, «Шуҳрат» ордени нишондори.

Илғор тажриба

ЧОРВАЧИЛИКДА БЕШ ОМИЛ

Булар мол зоти, мустаҳкам озуқа заҳираси, зооветеринария хизмати, боқиш тартиботи, емишни қайта ишлаш усуллари ҳамда турғун ходимлар, мутахассислар масаласидир. Муҳаммаджон Фозилов ва Ғ. Абдуллаев номли жамоа хўжаликларида бу омиллар туфайли ҳар бош соғин сигирдан ўртача 4 минг килограммдан сут соғиб олинмоқда.

ЧОРВАЧИЛИК — бу шундай тармоқки, агарда соҳа билан астойдил, иштиёқ билан шуғулланилмаса, қилинаётган ишлар, эришилаётган натижалар, ютуқлар, «иссиғида» таҳлил этилиб, асосий эътибор камчиликларни тугатиш, муаммоларни ҳал этишга қаратилмаса, мўлжални олиш, истиқболни белгилаш қийин бўлади. Бу, табиийки, катта-кичик раҳбардан тортиб, оддий чорвадоргача катта масъулият юклайди. Тошкент туманида бўлиб, чорвачиликда олиб борилаётган ишлар билан танишганимизда аксарият хўжалик чорвадорлари, мутахассислари ва раҳбарларида ана шу масъулият ҳисси ғоятда кучли эканлигини сездик. Рақамлар ҳам буни исботлаб турипти. Агарда туманда 2670 бош соғин сигир бор бўлса, дастлабки ҳисоб-китоблар бу сигирларнинг ҳар биридан ўртача бир йилда 2800 литрдан сут соғиб олинаётганлигини тасдиқламоқда. Бу ўтган йилги соғиб олинган сутга нисбатан 200 тонна, давлатга сотилганига нисбатан 400 тонна кўп демакдир. Албатта, ялпи маҳсулотнинг кўпайиши чорвачиликни юритишда янги иш усулларининг жорий этилиши, хусусан, фермаларнинг хусусийлаштирилганлиги ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Туманда бундай фермалар 5 та. Қайси жамоа хўжалиги раҳбари катта умид, катта режалар билан ажралиб чиққан бундай фермаларни қўллаб-қувватлаб турган бўлса, шу ерда натижалар қувончли бўлаётир. Маҳсулдорлик ортмоқда. Бунга Тўлабий ва Абдураҳмонов номли жамоа хўжаликларидаги хусусийлашган фермалар фаолияти мисолдир.

Яқинда Тошкентда республика Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва ҳорижий сармоялар бўйича идораларо кенгашнинг бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида мамлакатда хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уни давлат томонидан рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Бу йиғилишда хом ашё эмас, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш масаласи қатъий қилиб қўйилди.

Тумандаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги чорвадорлари бу соҳада катта тажриба орттирганлар. Хўжаликда фермада соғиб олинаётган сутнинг асосий қисми қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида сотилмоқда. Шу ҳисобга чорвачиликдан зиён кўришга барҳам берилди. Натижада соф даромад олинмоқда. Бу даромаднинг маълум қисми чорвадорлар турмуш шароитини яхшилаш, уларни рағбатлантиришга сарф қилинмоқда.

Бу ўз навбатида фермадаги ишларнинг юксак савияда ташкил этилишига, чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишларига олиб келаётир. Шунинг учун ҳам соғин сигирлардан сут соғиб олиш кўпаймоқда.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалиги чорвадорлари ҳам ҳар бош соғин сигирдан сут соғиб олишда юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Ҳар икки хўжаликда ҳар бош соғин сигирдан бу йил ўртача 4 минг литрдан сут соғиб олинди.

Бу хўжаликларда эришилаётган ютуқларни Тошкент агрофирмаси бош зоотехниги Эгамберди Исматуллаев шундай шарҳлади:

— Чорвачиликда муваффақиятни таъминлайдиган асосан беш омил бор. Биринчиси, молнинг насли яхши бўлиши керак. Иккинчиси, хилма хил тўйимли озуқалар етарли жамғарилиши шарт. Учинчиси, чорвага малакали зооветеринария хизмати ғоят муҳим. Тўртинчиси, чорвани боқиш кун тартибига қатъий амал қилиш зарур. Бешинчиси, мавжуд озуқалар, албатта, озуқа цехида қайта ишланиб, хушхўр, нишхўрдга чиқмайдиган «палов» қилиб едирилиши зарур.

Ҳар икки хўжаликда ана шу беш омилдан оқилона фойдаланилади. Бунинг натижаси ўлароқ, аввало, мазкур фермаларда моллар қишдан соғлом ва беталофат олиб чиқилади. Моллар, айниқса, соғин сигирлар қишловдан ўртача семизликда чиқса, унинг ижобий таъсири бутун йил давомида сезилиб туради.

Бу омиллар бирини бири тўлдиради. Изоҳга ҳожат йўқ. Зоти паст сигирни қанча парвариш қилманг, бефойда. Озуқангиз хилма-хил бўлса-ю, унга ишлов бермасангиз, чикитга кўп чиқади. Агар ветеринария хизмати намунали йўлга қўйилмаса, ҳар қандай зотли, маҳсулдор мол ҳам тез орада мажмағил бўлиб қолади. Демак, бу омилларнинг бирини иккинчисидан сира камситиб бўлмайди.

Дейлик, бир сигирдан кунига 12-13 литр сут соғиб олинади. Бунинг учун 17-18 озуқа бирлиги сарфланиши керак. Бу озуқа бирлиги эса, сигирга бериладиган 60-65 килограмм озуқадан келиб чиқади. Бунча миқдордаги озуқанинг таркибида, масалан, 8 килограмм хашак, кўкламда, ёзда кўк озуқа, 25-30 килограмм сенаж-силос, 20 килограмм барда, 60 килограмм емли озуқа бўлиши шарт. Ана шу тартибда бутун йил давомида молни белгиланган, у ўрганган, одатланган вақтда кун тартибига қатъий амал қилган ҳолда озиқланишини таъминлаш жуда муҳимдир.

Бу тартиб сал бўлсада бузилса борми: ёзда эрталаб соат 9 да едириладиган кўк озуқа тракторнинг йўқлиги ёки ўрим техникасининг бузилиб қолганлиги туфайли 2-3 соат кейин келтирилиб охурларга солинса, барибир мол уни аввалгидек иштаҳа билан емайди. Ўша куни фермадаги сигирларнинг сути кескин камайиб кетди, деяверинг. То бу жониворларнинг аввалги миқдордагига тенг сут берадиган ҳолатга келтириб олиш учун камида 25-30 кун керак бўлади. Озгина лоқайдлик, хафсаласизлик қимматга тушади. Шунинг учун ҳам тадбиркор чорвадорлар фермада ишлатиладиган тракторлар, ўрим техникаларини иложи борича иккита-учтадан тахт қилиб созлаб қўйишади. Бири бузилиб қолса, иккинчисидан фойдаланаверадилар. Кўк озуқа конвейери бир маромда давом этаверади.

Лекин, бу омилларнинг тўлатўкис, самарали «ишлаши» барибир инсонга яъни унинг кайфиятига боғлиқ. Фермада меҳнат қилаётганлар ўз касбларига қанчалик садоқатли, меҳрли ва ихлосманд бўлсалар, шунчалик яхши. Айниқса мутахассислар, ферма мудирларининг малакаси, уларнинг қўним билан ишлашлари катта аҳамиятга эгадир. Ҳар икки фермада ҳам бу масалалар ўзининг ижобий ечимини топган. Уларда чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишлари, зарур пайтда хордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилган.

Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида бир сут соғувчининг ўртача ойлиги 800 сўмгача тўғри келади. Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигида ҳам бундан кам эмас. Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги ферма мудири Дадажон Раҳимов салкам 15 йилдан бери шу ерда ишлайди. Фермани паст-баландини, посонгисини беш қўлдек билади. Зоотехник Собир Шокиров эсини танибдики, фермада ишлайди.

Хўжалик раҳбарлари мутахассис ўзимиздан чиққанига нима етсин, деб ундаги чорвачиликка бўлган меҳр, иқтидорни вақтида пайқаб, уни ўз ҳисобидан ўқишга юбордилар. Собир олий маълумотли бўлиб қайтгач, ишга янада ихлос билан киришди. Ишончни тўла оқламоқда. Собир тўғрисида гап кетганда, айтишадики, у молларни кўрмасдан туриб, узоқдан маърашини эшитиб, бу молнинг қандай зотга мансублиги, «бўлиш бўлмаслиги»ни бемалол айтиб беради. 10 литрдан кам сут берадиган сигирни фермада сира ушлаб турмайди.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигида ҳам ишбилармон, тадбиркор, узоқни кўзлаб ҳокимлиги лавозимидан озод қилишни сўраб ариза берди. Уйлайманки, Икромовнинг аризасини қондириш керак.

Ҳурматли дўстлар!

Сўзимнинг охирида эътиборингизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши «салтанат ишларида тўғри нарсага амал қилиш лозим» деб айтган эканлар:

— ***кенгаш***
— ***маслаҳату машварат***
— ***қатъий қарор***
— ***тадбиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик.***

Бу тўрт омил, яъни — кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб уқдиради соҳибқирон бобомиз.

Истар эдимки, Тошкент вилоятининг бугунги сайланадиган янги ҳокими, шу залда ўтирган барча катта-кичик раҳбарлар шу доно ўгитларга оғишмай амал қилсак, уларни ўз фаолиятимизнинг асосий дастуруламали деб билсак, фарзандларимиз камолини ўйлаб, уларга улуғ ва озод Ватанни мерос қилиб қолдириш орзуси билан яшаб-меҳнат қилсак, иншооллоҳ, Тангри ҳам, буюк аждодларимизнинг руҳлари ҳам бизни ҳамиша қўллаб-қувватлайди, эзгу мақсадларимизга етказади.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ) Чеченистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттирмоқда. Декабрь ойида мазкур қўмитанинг Чеченистондаги вакиллари 13 кишидан иборат эди. Яқин кунлар ичида уларнинг сони 15 нафарга етади, деб хабар берди ХҚХҚнинг расмий вакили Пьер Готье.

Унинг сўзларига қараганда, инсонпарварлик ёрдамининг асосий қисми Назранга келтирилмоқда. 11 декабрдан буён бу ерга келтирилган турли хил дори-дармонлар 10 тоннани ташкил қилади.

***

9 январь куни Европа Иттифоқи парламенти ассамблеясининг президенти Мигель Анхель Мартинес Ригага келди. У икки кун давомида Болтиқбўйи давлатлари раҳбарлари, сейм депутатлари, ташқи ишлар вазирлари ва бошқа расмий кишилар билан учрашади.

Мартинес Латвияни Европа Иттифоқи аъзолигига қабул қилишни бир неча бор қўллаб-қувватлаган эди. Январь охирида бўладиган ассамблея сессиясида ушбу масалани муҳокама қилиш кўзда тутилган.

***

Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда жиноятчиликнинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида тартиб ўрнатиш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

Мамлакат матбуот хизматининг хабар беришича, яқинда ички ишлар вазири этиб тайинланган Мадалбек Молдашев пойтахт кўчаларида соқчилик хизматини жорий қилди.

Янги вазир уюшган жиноятчилар, дайдилар, доимий рўйхатга олинмаган ва спиртли ичимликлар савдоси билан яширинча шуғулланувчи кимсаларга қарши кураш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгилаган.

***

Ҳиндистон мудофаа вазири маслаҳатчиси, ҳарбий-илмий тадқиқот бошқармаси бошлиғи Абдул Калом, 2005 йилга келиб мамлакат армиясидаги жанговар техникаларнинг 70 фоизи ҳинд олимлари тарафидан яратилади ва мамлакатнинг ўз корхоналарида ишлаб чиқарилади, деди. Ҳиндистон келажакда ривожланаётган давлатларга кенг миқдорда ҳарбий техника етказиб беришни мўлжалламоқда, дея таъкидлади у.

(ЎзА).

ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

ЧЎПОНЛАРНИНГ ЙЎЛИ ЯҚИН БЎЛМОҚДА

Бўстонлиқ тумани матлубот жамияти ходимлари чўпонлар ва уларнинг оила аъзоларини кундалик зарур моллар билан таъминлашда фаол иштирок этишмоқда. Совуқ тушиши билан ўн бешга яқин машинадан иборат карвон яйловлар, олис қишлоқлар томон йўлга чиқди. Бу машиналарга чой, шакар, макарон маҳсулотлари, ёрма, иссиқ кийим, доридармонлар ва бошқа моллар ортилган.

— Биз биринчи навбатда ана шу машиналарни юбориш зарур бўлган олтмиш тўртта объектни белгилаб олдик, — деди туман матлубот уюшмаси раиси Раҳимхўжа Норов. — Бунинг учун зарур молларни олдиндан ғамлаб қўйдик, машиналарни тайёрладик. Шунингдек, машинабоп йўлларни ҳам аниқладик. Чунки, қишда чўпонлар қўралари ва олис қишлоқларга ҳар қандай йўлдан бориб бўлмайди. Шунга қарамай, ҳайдовчи ва сотувчиларимиз қишда тоғлик туманимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир маромда таъминлаб туришга аҳд қилганлар.

(ЎзА мухбири).



Тадбиркорлик -- иқтисодиёт келажаги

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

«Ўзбекистон боғдорчилик-узумчилик машинасозлиги заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бу ерда қишлоқ хўжалигининг шу тармоқларида ишлатиладиган машина-ускуналар тайёрланмоқда. Айни вақтда янгиларини ўзлаштириш давом этмоқда.

БИРЛАШМА бош директори Марат Озотович Озотов билан салом-алик қилиб, суҳбатимизни бошлашга тараддуд кўраётган ҳам эдикки, кимдир телефон орқали қўнғироқ қилиб, қозоғистонлик мижозлар келганлигини ва қабул қилишларини илтимос этишаётганини маълум қилди. Бош директор биздан узр сўраб, уларни ҳозироқ қабул қилишини айтди...

Хонага пўстин камзуллар кийиб олган икки киши кириб келди. Салом-алик давомида ўзларини таништиришди. Улар Олмаота вилоятидаги йирик давлат хўжалиги «Гигант»нинг бош муҳандиси Жалил Жамиев ва моддий-техника таъминоти муҳандиси Ғаффор Жўраевлар экан. Улар эски қадрдонлардек очиқ чеҳра билан кўришдилар.

-- «Гигант» давлат хўжалигини яхши биламиз,-- деди Марат Озотович,-- корхонамизнинг доимий мижозларидан бири эди, хўжалик узумчилик, боғдорчиликка ихтисослашган. Шунинг учун ҳам яқин ҳамкорлик қилардик. Жамоамиз қўлидан чиққан ўнлаб турли хил машина-механизмлар бу хўжаликда ишлатиляпти. Кейинги йилларда алоқамиз бироз сустлашган эди. Яна ривожланиб кетишига умид билан қараймиз.

-- Фикрингизга қўшиламиз, Марат Озотович,-- деди меҳмонлар раҳбари.-- Ўзингизга маълум, илгари хўжалигимиздаги экин майдонларининг аксарият кўпчилигини узумзорлар ва боғлар, асосан олмазорлар ташкил этарди. Собиқ иттифоқда ичкиликбозликка қарши кураш кучайган вақтда, айниқса, узумзорларимиз вайрон этилди, токзорлар бузиб ташланди. Бир минг гектар олмазор, бир ярим минг гектар узумзор қолган эди. Кейинги йилларда уларни кенгайтиришга киришдик. Бунинг учун ишлов берадиган машина-механизмлар керак бўлади. Ўзимизда борлари эскириб қолди. Шунинг учун ҳузурингизга келдик...

-- Илтимосингизни бажаришга тайёрмиз. Ҳозир тўловлар масаласи жуда мураккаблашиб кетди. Осон усул — бартер бўлиб қолди. Бизга нималар бераоласиз оладиган машиналарингиз ўрнига?

-- Хўжалигимизда ароқвино ишлаб чиқарилади, олма, узум каби меваларимиз ҳам бор. Истасангиз шулардан беришимиз мумкин.

-- Ўзингиз яхши биласиз, бизда бундай маҳсулотларга эҳтиёж йўқ. Асосан металл керак. Сиз Қарағандаги металлургия комбинатидан металлни айтган маҳсулотларингизга бемалол алмаштириб олишингиз мумкин. Олинган бу металлни бизга юборсангиз унинг асосида хўжалигингиз учун керакли бўлган машина-механизмларни тайёрлаб берамиз. Қалай, таклифим маъқулми?

-- Бу таклиф бизга ҳам маъқул. Унинг уддасидан чиқса бўлади. Ҳар ҳолда Қарағандада металлургия комбинати Қозоғистонда-ку. Иложини топамиз...

-- Ҳозирги вақтда бизни қийнаётган муаммо материал ва хом ашё таъминотининг издан чиқиб кетганлиги,-- дейди бош директор.-- Айниқса, металл топиш мушкул бўлмоқда. Буюртмачиларнинг ўзлари металл беришса иш осон кўчаяпти. Лекин уларнинг кўпчилиги бундай материални қаёқдан ҳам олади. Шунинг учун бутун оғирлик ўз зиммамизда. Елиб-югуриб уни топишимиз керак. Ахир, заводда юзлаб ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Уларнинг оилалари бор. Шу ерда ишлаб топганлари билан оила боқишади. Уларга иш топиб бериш лозим. Шундай қилинмаса бу ерда раҳбарлик қилиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Шунинг учун изланамиз, имконият қидирамиз, республикамиздаги турдош қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қиламиз, улар билан олди-берди қиламиз. Йўқларини бошқа жойлардан, собиқ иттифоқ республикаларидан қидирамиз. Ҳозирча бунинг уддасидан чиқиб турибмиз, катта машаққатлар билан бўлса ҳам. Ҳозир ҳамма «ўзинг учун ўл етим» қабилида ишлашга ўтган, ҳеч ким ёрдам бермайди. Ҳаммасини ўзинг, ўз кучинг билан уддалашинг керак.

-- Бирлашма жамоаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида қандай ишлаяпти? Ижобий силжишларга эришмоқдами? Корхона узумчилик ва боғдорчиликда фойдаланиладиган қандай машиналар ишлаб чиқарди ва чиқармоқда?

-- Бирлашма Марказий Осиёда боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган машинамосламалар ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади. Унинг қисқача тарихи шундай. 1968 йилда Кишиневдаги шундай заводнинг филиали сифатида барпо этилган эди. Кейинчалик ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, у мустақил корхонага айланди. Шунга ҳам йигирма йилдан ошиб кетди.

Ўша вақтда заводимизда махсус конструкторлик бюроси ҳам бор эди. Бизда тайёрланиши ўзлаштирилган барча машина-ускуналар ижодкорлари ҳам шу бюро мутахассислари бўлишган. Ҳозиргача жамоамиз ишлаб чиқарган ва асосан боғлар ҳамда узумзорларга ишлов беришга мўлжалланган машиналар тури эллик иккитага етди. Бунда бирлашмамизнинг Намангандаги филиали машинасозларининг ҳам улуши бор. Улар узумга ишлов беришда ишлатиладиган қатор механизмларни тайёрлашмоқда. Бу йил қўшма корхона маҳсулот бера бошлади.

● Ҳамкорлик ришталари тикланмоқда ● Боғдорчилик ва узумчилик учун 52 та машина-механизм ишлаб чиқарилди ● Халқ истеъмоли моллари тури 10 тадан ошди

Кейинги икки йилда қатор янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунда бозор талаби ҳисобга олинмоқда. Маҳсулотинг харидоргир бўлмаса панд еб қолиш ҳеч гап эмас ҳозирги шароитда. Помидор шарбати ва уруғини ажратиш, сув насоси, макарон ишлаб чиқарувчи қурилма, қишда кўмилган токларни шамол пуркаб очадиган мослама, қатор халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқаришга киришдик. Шуниси қувончлики, уларнинг ҳаммаси харидоргирдир.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларни олувчи қишлоқ хўжалик корхоналари кўп. Фақат уларнинг кўпчилигида накд сармоя йўқ. Биз машиналарга олдиндан пул тўланса юборамиз. Насияга сотиш йўқ, чунки пул вақтида тушмай қолиши мумкин. Сармоя бўлмаса ишни юритиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда харид қиладиган нарсага олдиндан пул тўлаб қўйиш лозим.

Бирлашмамиз муайян даражада бир маромда ишламоқда. Йил бошидан бери бир неча миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди. Биргина ўтган ойда у уч юз етмиш минг сўмликни ташкил этди. Харидорларнинг пули бўлса бундан анча кўп маҳсулотни сотишимиз мумкин эди. Шу томони бироз ишга ҳалақит бермоқда.

-- Юқорида қўшма корхонани тилга олдингиз. У қандай корхона ва қанақа маҳсулотни ишлаб чиқармоқда? Ким билан бирга барпо этилган?

-- Саволингиз ўринли. Ўзим ҳам шу корхона, унинг аҳамияти ва истиқболи ҳақида тўхталмоқчи эдим.

Қўшма корхонамизнинг номи «Фаввора» -- исми жисмига монанд, дейишгани шу бўлса керак. Уни Чехословакиянинг «Кунэ граница» ҳиссадорлик жамияти билан биргаликда туздик. Таъсисчи бирлашмамиз ҳисобланади.

Қўшма корхона, мана уч ойдан бери маҳсулот бермоқда. У сувни юқорига чиқариб берувчи турли қувватга эга бўлган насослардир. Бундай насослар фермерлар учун мўлжалланган. Улар ёрдамида дала ҳовлиларини, томорқаларни, унча катта бўлмаган қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини суғориш мумкин.

Бундан ташқари талабномалар бўлса бундай насосларни нефтни, мойларни, кимёвий имульсияларни ҳайдашда ишлатишга мослаштириб бериш мумкин. Қозонхоналардаги насослар ҳам эскирмоқда. Уларни янгилаш учун ҳам насос ва эҳтиёт қисмлар керак бўлади. Бундай маҳсулотга Марказий Осиёдаги барча мамлакатларда ҳам эҳтиёж бор. Кейинчалик Россия бозорларига чиқишни ҳам мўлжаллаб турибмиз. Бу маҳсулотимизга талаб ортгандан ортиб бораверади, деб ишонч билан айтиш мумкин. Уни Ўрта Осиёда фақат биз тайёрлаяпмиз. Бу йил охиригача 170 та шундай насос тайёрлаймиз. Келгуси йилда ундан ками билан бир минг беш юзта ишлаб чиқариш режамиз бор. Биз қўшма корхонани барпо қилиш учун банкдан қарз-қурз олмадик. Ўз маблағимиз билан ташкил этдик. Бу билан маблағдан анча ютдик. Кредит учун фоиз тўлашдан халос бўлдик. Ҳозирги вақтда у ҳам каттагина маблағни ташкил этмоқда.

-- Истеъмол бозори ниҳоятда қашшоқлашиб қолган ҳозирги вақтда унинг эҳтиёжларини қисобга олиш ва халқимизнинг кундалик турмуши учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг муҳимлиги ҳаммага маълум. Шу нуқтаи назардан қаралганда бирлашмада қандай ишлар амалга оширилди ва оширилиши мўлжалланган? Шу ҳақда ҳам қисқача тўхтасангиз.

-- Тўғри, биз истеъмол бозорини ҳам четлаб ўтаётганимиз йўқ. Унга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни муттасил кенгайтириб борамиз. Янги-янги турларини тайёрлашни йўлга қўймоқдамиз. Айниқса, кейинги йилларда фаолиятимизнинг бу йўналишига эътибор анча кучайди. Шу туфайли ҳам ҳозирги вақтда бундай буюмлар тури ўн бештага яқинлашиб қолди.

Улар ичида энг муҳим ва харидоргирларидан бири термосдир. Рязань шаҳридаги шундай завод ёрдамида бундан бир неча йил илгари ишлаб чиқариши ўзлаштирилган бу маҳсулотни эндиликда тўла ўзимиз тайёрлаяпмиз. Унинг колбаси синмайди, чунки у махсус зарарсиз пластмассадан тайёрланган. Унинг ичидаги маҳсулот салкам бир кеча-кундуз ўз ҳароратини сақлайди. Макарон ишлаб чиқарувчи мосламамиз ҳам ҳамма жойда жуда қўл келади. Унинг ҳар бири билан соатига 30 килограмм макарон ишлаб чиқариш мумкин. Ундан ҳар бир қишлоқда фойдаланиш мумкин, тегирмонлар ҳузурида ўрнатса ҳам бўлади.


Бундан ташқари «Москвич» машиналари ўчун домкратлар, боғ ва қўл замбилғалтаклари, пўлат сандиқлар, болалар арғимчоғи, мих суғургич, хокандоз, капкир, кекс қолиплари, бел, қурилиш михи ва кашаги, қозиқ ва бошқа кенг истеъмол молларини ҳам буюртмачиларга етказиб бераяпмиз.

Республикамиз боғдорчилиги, узумчилиги учун зарур бўлган машина-механизмларни етказиб бериш, уларнинг янги, такомиллашган турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади. Айни вақтда истеъмол бозорини тўлдиришга ҳисса қўшишни давом эттираверамиз. Шу мақсадда барча имкониятларни ишга соламиз, ҳамма чора-тадбирларни кўрамиз. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳам иш маромини сақлаб қолишга интиламиз.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Президент ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлисида сўзлаган нутқида иқтисодий ислоҳотнинг устун йўналишларидан бири сифатида шуни таъкидлади:

«... иқтисодимиз таркибини кескин ўзгартириш, яъни хомашё эмас тайёр маҳсулот чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва рақобатбардошлилигини дунё бозори талабларига жавоб берадиган ҳолга етказиш. Ана шу мақсадда юртимизга янги технология, замонавий жиҳозлар, ускуналар келтириш, ихчам, қилинган харажатни тез қоплайдиган корхоналар қуришдир».

М. МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.










Бирлашма бош директори Марат Озотович Озотов.


Суратларда: (юқоридан пастга) чилангар Х.Саидов, бирлашма бош муҳандиси Ҳ. Икромов ва участка бошлиғи Ҳ. Ризаматовлар макарон ишлаб чиқарадиган мосламани кўздан кечирмоқдалар; Корхонада токарь Қ. Утибоев ва катта уста С. Зияевлар ҳақида фақат илиқ сўзлар эшитасиз; илғор токарь Ф. Ортиқовни қўли гул дейишади; уста О. Кумиков ва ишчи Ф. Қаюмовлар ҳар соҳада касбдошларига ўрнак бўлишади.


Бирлашма цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан насос, термос, помидори шарбатини ажратадиган мослама ва кенг қамровли боронани кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.









Мутахассис маслаҳат беради

БОҒЛАРДАГИ ҚИШКИ ЮМУШЛАР

ҚИШ фаслининг иккинчи ойи ҳам тугаб бормоқда. Ғалвирни сувдан кўтарган деҳқонлар, соҳибкорлар, боғбонлар янги ҳосил тараддудини бошлаб юбордилар. Айни кунларда боғ ва токзорларда ҳам олиб бориладиган агротехника тадбирлари келгусида мева ва узумдан мўл ҳосил етиштириш имкониятини беради. Бу имконият нималардан иборат? Айни пайтда қиш уйқусига кирган боғлар ва токзорларда қандай юмушларни амалга ошириш зарур?

Энг аввало қирқилиб кўмиб қўйилган ток тупларини яна бир синчковлик билан кўздан кечириш, очилиб қолган жойлари бўлса, беркитиб чиқиш муҳимдир. Шунингдек ерда нам тўплаш, ҳар хил касаллик ва зараркунандаларнинг гумбаклари-ю, споралэрига қирон келтириш мақсадида боғ ва токзорларга яхоб (қовус) сувини бериш ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу ишни шу кунлардан бошлаб март ойигача икки маротаба ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агарда боғ ва токзор қатор оралари ўз вақтида, сифатли юмшатилиб керакли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар солинган бўлса яхоб сувининг самараси ортади. Маҳаллий ўғит иложи бўлса ҳар гектарига 15-20 тоннадан солинса, мўл ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратган бўласиз. Чунки бу тадбир туфайли ер унумдорлиги ошади, тупроқдаги микроорганизмларнинг фаолияти кучаяди. Бундан ташқари пишиб етиладиган меваларда нитрат моддасининг тўпланиши нормадан анча кам бўлиши таъмин этилади. Ерга солинган маъдан ўғитларидан ўсимликларнинг фойдаланиш самарадорлиги бирмунча ошади.

Деҳқончиликда бўлганидек, боғдорчилик ва соҳибкорликда ҳам ҳосил кўчатдан олинади. Шунинг учун ҳам боғ ва токзорларда кўчатларнинг бут бўлишига эътиборни кучайтириш, агарда сийрак бўлиб қолган бўлса хатосига 1-2-3 ёшли олма, нок ва беҳи кўчатларидан келтириб экиш лозим. Бунинг учун имконият бор. Кўчатчилик хўжаликларидан меванинг ҳар хил турлари кўчатларини етарли миқдорда олиб келтириш мумкин. Агарда каттароқ ёшдаги олма кўчатлари сифатли қилиб олиб келинган бўлса уни яхши парваридан қилсангиз олдин экилган ёш дарахтларга етишиб олади. Натижада гектаридан олинадиган ҳосил миқдори бирмунча ошади. Шуни унутмаслик керакки, кўчат хатосини тўлдиришда худди шу боғ ва токзорларда ўстирилаётган мева ва узум навларидан келтириб экиш зарур. Бу ишларни, айниқса, ёш боғ ва токзорларда ўз вақтида ўтказсангиз ютқазмайсиз. Каттароқ ёшдаги олма кўчатларини экишда уларнинг илдиз тизими бақувват ва ривож топган бўлганлиги учун кўчат экиладиган чуқур ҳам 80х80 сантиметр ҳажмда бўлгани маъқул. Экиш олдидан ҳар бир чуқурга 6-8 килограммдан яхшилаб чиритилган гўнг солиш тавсия этилади. 2-3 ёшли кўчатларни экиш олдидан 30 фоизгача бўлган қисми кесилиб, қисқартирилади, сийраклаштирилади. Қолган шакл бериш ва ён шох, навдаларини қисқартириб олиб ташлаш ишлари баҳорда ўтказилади. Айниқса, бу ишларни тоғли ҳудудларда ўз вақтида ўтказиш катта фойда келтиради. Чунки қиш фаслида бундай жойларга қор қалин тушади, қор эриши биланоқ ёш кўчатларнинг новдаларини паст томонга эгиб тушириб синдириб юбориши ҳолатлари кузатилмоқда. Оқибатда дарахт танасининг узунлиги 40-60 сантиметр ўрнига 100-120 сантиметр баландликка кўтарилиб кетмоқда. Дарахт шохшаббаси қанча баландликка кўтарилиб кетса, уни парваришлаш шунчалик қийинлашади.

Учинчидан боғлардаги катта ёшдаги олма, нок, беҳи дарахтларини буташ ишларини қиш фаслининг иссиқ кунларидан фойдаланиб амалга оширсангиз айни муддаодир. Чунки катта майдондаги уруғлик мева дарахтларини буташ тадбирларини баҳор фаслида ўтказиш анча қийин бўлиб қолади. Бунинг устига миришкор, ишнинг кўзини биладиган кесувчи мутахассислар етишмайди. Баҳорнинг қисқа иссиқ кунлари бошланганда куртаклар тез бўртади, ўсиш, ривожланиш бошланади. Натижада катта боғларда буташни қисқа муддатда ўтказиш мумкин бўлмай қолади.

Совуққа чидамсиз данакли (шафтоли, ўрик, гилос) мева дарахтлари ва барча турдаги уруғлик ва данакли ёш ниҳолларни буташ ва уларга керакли шакл бериш ишларини ҳам эрта баҳорда куртак ёзилмасдан ўтказиш даркор.

Мева дарахтларини буташ ва уларга шакл беришдан мақсад дарахтларда ҳосил берадиган керакли миқдордаги шохшаббани қолдириш, уларнинг қуёш нуридан бир текисда баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборатдир. Ана шунда дарахтларнинг мевалари бир текисда, йирик, рангдор, мазали бўлиб етишади. Агарда дарахт шоҳ-шаббалари ўз вақтида буталиб, шакл берилмаса, табиийки, ҳаддан ташқари қалинлашиб кетади. Ўз-ўзидан меваси майда, рангсиз, камқандли бўлиб қолади. Бундай меваларни қишда узоқ сақлаш мумкин бўлмайди. Бунинг устига ҳар хил касаллик ва зараркунандаларга қарши ишлатиладиган дорилар шоҳ-шаббага бир текисда тушмайди. Натижада мева сифати ёмонлашади.

Дарахтларни буташда дарахт илдиз бўғизи ва атрофидан ўсиб чиққан бачки навдаларни танага тақаб, чугиртак қолдирмасдан олиб ташланади. Шунингдек, дарахтнинг танасидан ўсиб чиққан навдалар ҳам қирқилади. Мева дарахтлари бир йиллик навдаларнинг қандай ўсганлигига қараб 30-40 фоизи қисқартирилади. Шакл бериш жараёнида йўғон шохларда пайдо бўлган яралар боғ мойи билан бўялади.

Қиш фаслида биз тавсия қилган бу юмушлар ва тадбирларни ўз вақтида, сифатли қилиб ўтказган соҳибкор -- боғбон келгусида мўл ҳосил олиш учун пухта замин яратган бўлади.

М. СОБИРОВ,
М. РАЗЗОҚОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзодлари.

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Она-юрт посбонлари ўз анъанавий байрамларини ўқув хоналари ва дала машқларида яхши кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар. Ҳарбий билимни пухта эгаллаб, замонавий техника ва мураккаб қуролларни ишлатиш борасида маҳоратларини кундан-кун оширмоқдалар.

Суратда: танкчилар машқ вақтида.

В. БАГАЕВ олган сурат.



Галабанинг 50 йиллиги олдидан

ДОВЮРАК ТАНКЧИ

Ашурбой ака Пўлатов оғир жангларни бошдан кечириб, душман пойтахти Берлинни забт этган жангчилардан бири ҳисобланади. Хўжакентлик Ашурбой ака 1942 йил июнь ойида немис-фшистлари билан жанг қилиш учун фронтга жўнаб кетди. Қисқа муддатли ҳарбий тайёргарликдан ўтиб, сержант унвонини олди. 1943 йили апрель ойида Курск-Орёл йўналишида бўлган шиддатли жангларда қатнашди. Маҳорати билан командирлар эътиборига тушди. Разведкачилик қилди, кейинчалик танкчилар тайёрлаш олти ойлик мактабини тугатди.

Довюрак танкчи Брест қалъаси ва Беларусия ҳудудини газандалардан озод этишда қатнашди.

— «Менинг учун,— дейди А. Пўлатов Буг дарёсидан ўтиш жуда ҳам хавфли ва даҳшатли бўлган эди. Тўғирофи, омон қолишга деярли ишонч йўқ эди. Фашистлар орқага чекиниш пайтида дарё кўпригини портлатиб кетишган экан. Саперларимиз дарё устига осма кўприк қуришди. Бу кўприкдан танклар ўтиши лозим эди. Кўприк эса танк зарби туфайли эгилиб дарё қаърига кириб кетаверди. Бир нечта танк экипажи билан дарёга ғарқ бўлганини ўз кўзим билан кўрганимда, очиғини айтганда қўрқиш аломатлари пайдо бўлди. Командир бу воқеадан сўнг танкларни фақат бир киши, яъни ҳайдовчиси билан кўприкдан ўтказишга фармойиш берди.



Биринчи бўлиб мен танкни кўприкка қараб ҳайдадим. Кўприк эгилиб кўтарилиб турарди. Ўртасига борганда кўприк сув тубига чўка бошлади. Шунда юрагим «шиғ» этиб кетди. Лекин иродам мустаҳкам бўлганидан дарёдан омон-эсон ўтиб олдим. Бу бир умрга эсдалик бўлиб қолди».

Дарёдан ўтишда жасорат намуналарини кўрсатган А. Пўлатовнинг кўкрагини «Қизил юлдуз» ордени безади.

Қизил аскарлар танклар ҳимоясида жангларни давом эттириб, газандаларга катта талофат етказдилар. Энди уруш ҳаракатлари фашистлар ерида олиб борилди. Кенгисберг шаҳрини олишда танкчи А. Пўлатов ҳам бевосита иштирок этди. У икки томондан қўплаб қатнашган танклар ҳужумида мардонавор жанг қилиб, бир неча душман машинасига шикаст етказди.

1945 йил апрель ойида урушда ҳал қилувчи ҳужумга тайёргарлик кўришга киришилди. Берлин операциясига пухта ҳозирлик кўрилди. А. Пўлатов хизмат қилаётган полк жангчилари мислсиз жасорат кўрсатишди. Душман беҳисоб талофат кўриб, орқага чекинишда давом этди. А. Пўлатов Берлин йўналишида олиб борилган ҳал қилувчи жангдаги мардлиги учун иккинчи маротаба «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Ҳамюртларимиз улуғ Ғалабанинг орзуси билан курашдилар. А. Пўлатовнинг ҳарбий қисми 1945 йил 25 апрель куни Эльба дарёсига етиб борди. Бу ерда АҚШ аскарлари билан учрашдилар. Ўзбек ўғлони бу унутилмас воқеанинг бевосита гувоҳи бўлди.

1947 йилгача Германияда хизмат қилди ва «Берлинни ишғол қилганлиги учун», «Варшавани озод қилгани учун» ва бошқа жанговар медалларни ҳам олишга муяссар бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ашурбой аканинг отаси Пўлат ота Юсупов ҳам 1942 йили урушда иштирок этди. 1945 йилгача урушнинг энг оғир участкаларида жанг қилиб, бир оёғидан жудо бўлган эди. У мўътабар зот 91 ёшида вафот этган.

Ашурбой аканинг турмуш ўртоғи Руҳия опа ҳам фронт ортида кеча-ю кундуз меҳнат қилганлардан, «Шавкатли меҳнати учун» медали нишондоридир.

Ғолиб жангчи 1947 йилдан 1977 йилгача мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлаб, ёшларга билим ва тарбия берди. Уларга ватанпарварлик ҳис-туйғуларини сингдирди. Уруш ва меҳнат фахрийси Қоронқул қишлоғида урушдан қайтиб келмаган ҳамқишлоқлари учун ёдгорлик қуриш ишига бош-қош бўлди. Ҳозир у фахрийлар бошланғич ташкилотининг раиси. 8 фарзандининг отаси ва 30 нафар неваралар бобоси сифатида уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Ашурбой Пўлатовдек марду майдонлар элимиз ифтихоридир.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Бўстонлиқ тумани.

«МУҚИМИЙ»НИНГ ЙИЛЛИК ДАСТУРИ

Театр ва томошабин

Муқимий номидаги республика давлат мусиқали драма театри жамоаси ўтган йилни барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлади. Бунга, албатта, биринчидан, театрда соғлом муҳит ҳукм сураётгани бўлса, иккинчидан ижодий жамоа иқтидорли ёшлар билан тўлдирилаётгани туфайли эришиляпти. Бу борада Маннон Уйғур номидаги санъат институти билан ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Театр рақс жамоасини бойитишда эса бош балетмейстер, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шокир Аҳмедовнинг хизматлари катта бўляпти. Унинг ташаббуси билан Тошкент хореография билим юртидан истеъдодли раққосалар жалб этилмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Умиджонов бошчилик қилаётган хор жамоасига ҳам иқтидорли ёшлар келиб қўшилмоқда.

— Тўғри, ҳозирча жамоамиз хушовоз ёшлар билан тўлиб кетди дейишга ҳали эрта,— дейди театр директорининг биринчи ўринбосари Исмат Одилов.— Лекин ҳамон изланишдамиз. Менинг фикримча фақат олий ўқув юртларни битирган ёшлардангина эмас, гастролга чиққан жойларимиздаги маданият уйлари ва бошқа ҳаваскорлик жамоаларидан ҳам истеъдодли ёшларни жалб этсак ёмон бўлмасди. Халқ ичидан отилиб чиққан туғма талантлар мавжудку, ахир. Театрнинг 86 кишидан иборат ижодкорлари халқ ҳизматида бўлишни, уларни ўз санъатларидан баҳраманд этишни асосий бурчлари деб биладилар. Шу боис спектакл кўрсатишдан ташқари янги-янги дастурлар тайёрланиб, концерт бригадалари билан тез-тез пойтахт вилояти туманлари, бошқа вилоятларга ижодий сафарларга чиқиб турилади. Меҳнаткашларга, саноат корхоналари хизматчиларига, дала заҳматкашлари ва чорвадорларга концертлар қўйиб, маданий тадбирлар ўтказилади. Ижодий жамоанинг асосий қисми ёшлардан иборат бўлгани учун, кекса санъаткорлар— Ўзбекистон Халқ артистлари Фароғат Раҳматова, Маҳмуджон Ғофуров, Суръат Пўлатов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Адиба Мирзаева уларнинг доимий устозига айланган.

Театрнинг асосий маҳсули, албатта, ижодий спектакль, албатта. Ижодий жамоа йилнинг ҳар чорагида биттадан янги спектакль чиқаришни режалаштирган эди. Мақсадга эришилди. Театр репертуарлари Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ — тадбиркор», Тоир Юнусовнинг «Биркам дунё», Фрунзе Жўраевнинг «Севги нидоси», Фарҳод Файзиевнинг «Қулоқсиз шалпангқулоқлар» асарлари билан бойиди.

— Янги йилда ҳам бир қанча янги асарларни саҳналаштиришни режалаштириб қўйдик,— дейди театр бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабоев.— Жумладан, Эркин Самандаровнинг мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Башорат» мусиқали драмаси устида иш бошладик. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи ёзилганига 70 йил тўлиши муносабати билан шоир Жуманиёз Жабборов адибнинг шу асари асосида яратган «Отабек ва Кумушбиби» мусиқали драмасини саҳналаштирамиз. Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб Ёнғин Акрамов, Баҳри Соатқуловнинг «Қирқ биринчи йил зилоласи» асари тайёрланади. Шунингдек, Ориф Фармоннинг «Жиблажибон» деб номланган спектакл концерти, Раҳматхўжа Азизхўжаевнинг Фароғат Раҳматова таваллудининг 70 йиллиги олдидан «Излаганим сан» мусиқали комедияси саҳналаштирилади. Бунда бош ролни Фароғат опанинг ўзлари ижро этадилар.

Келажакда режаларимиз катта. Очиғини айтганда, мусиқали драма анча оғир соҳа. Бу жанрда ишлаётган ёзувчилар йўқ эмас-ку лекин, барибир яхши асарлар кам. Ниятимиз, саҳнабоп асарлар кетма-кет келиб турса. Биз ҳозир Ҳамид Ғулом, Ўткир Ҳошимов, Эркин Самандаров каби бу соҳада қалам тебратга бошлаган ёзувчилар билан яқин мулоқотда бўляпмиз.

Қани энди жамоамиз ҳам жаҳон миқёсига чиқса. Биз ҳам хорижда ўтказиладиган фестивал ва кўрик-танловларда иштирок этиб, ўзбек миллий санъатининг қудратини намойиш этаолсак.

Яхши ният ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

Фарғонадан хат келди

ЖОНИНИ ГАРОВГА ҚЎЙИБ...

(ОҚИБАТ)

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, қадрли муҳарририят ходимлари!

Биз олтиариқлик деҳқонлар ўз томорқамизда етиштирган сабзавот ва меваларни кўпинча Тошкент шаҳри бозорларида сотишга ҳаракат қиламиз. Чунки бизнинг маҳсулотларимиз бу ерда анча харидоргир, даромади ҳам чакки эмас.

Яқинда яхши ният билан мева-чева олиб, довон йўли орқали пойтахтга келаётган эдик. Кўқон—Тошкент тоғли йўлидан ўтаётиб, Тошкент вилояти ҳудудига кирганимизда фалокат юз берди. Маҳсулот ортилган юк машинамиз кутилмаганда жарликка томон оғиб кетди. Худди ана шу дақиқаларда биз учун чинакам ҳаётмамот онлари бошланган эди. Агар бирор мўъжиза рўй бермаса, бу фалокатдан омон чиқиш мушкул эканлигини ҳаммамиз ҳис этиб турардик.

Ана шу мўъжиза рўй берди... Биз ўлим даҳшати билан курашаётган лаҳзаларда йўлдан ўтиб бораётган енгил машина эгаси бошқаларга ўхшаб томошабин бўлмади. Зудлик билан ёрдамга шошилди, тўғрироғи, ўзининг ҳам жонини гаровга қўйиб, бизни фалокатдан қутқарди. Буни қарангки, унинг аниқ ва тезкор ҳаракати туфайли ҳатто юкларимиз ҳам безарар тушириб олинди.

Кейин билсак, бизга ёрдам берган одам Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бўлинма бошлиғи вазифасида ишловчи Иброҳим Ҳотамов экан. Биз шу кунги воқеани ҳам, Иброҳим аканинг жасоратини ҳам ҳеч қачон унутолмасак керак.

Сизлардан илтимос, газетангиз орқали ўз касбининг фидойиси Иброҳим Ҳотамовга биз ва оила аъзоларимизнинг миннатдорчилигини етказсангиз. Токи, бундай инсоний фазилатдан бошқалар ҳам ибрат олса.

Эҳтиром ила:

оптиариқлик М. МАҚСУДОВ, О. ХОЖИМУРОДОВ ва бошқалар.

Ҳодиса

ҚУШНИНИНГ ХУШЁРЛИГИ

Ўз ҳовлисида майдачуйда ишлар билан шуғулланиб юрган Владимир Данилович қўшнисининг ити ҳураётганини эшитиб хушёр тортди. Кундуз кунлари қўшнисиникида ҳеч ким бўлмаслигини яхши билган, яқиндагина кўча дарвозасидаги осиғлиқ қулфга кўзи тушганлигини эслаб, Владимир яна кўчага чиқди. Дарвозада ҳамон қулф осиғлиқ. Зимдан ичкарини кузата бошлади. Кўп ўтмай нотаниш кимса иккита катта тўлдирилган сумкани девордан улоқтириб сўнг ўзи ошиб тушдида, у ёқ бу ёққа аланглаб, тез-тез юриб кета бошлади. Владимир воқеани дарров фаҳмлади-да, унинг ортига тушди. Нима қилсин? Ўғрини бир ўзи ушласинми? Ёрдамга чақирай деса болалардан бўлак ҳеч ким кўринмайди. Орқама-орқа кузатиб катта кўчага чиқди. Янгийўл шаҳар бозори дарвозаси олдида йўл ҳаракатини назорат қилиб турган ДАН ходимини кўрди-ю, шошa-пиша воқеани тушунтирди. Жамолиддин Йўлдошев билан бирга автобусга чиқиб кетаётган ўғрини ашёвий далиллар билан қўлга олишди. Бундан аввал ҳам судланган, 1970 йили Самарқанд вилоятида туғилган Дилшод Қўлдошев «гастрол»ига яқун ясалди. Шаҳар халқ суди илгарилари ҳам ўғирлик билан шуғулланиб келган Дилшод Қўлдошевни 9 йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Р. ТУРСУНАЛИЕВ, Янгийўл шаҳар Ички ишлар бўлими жиноятни олдини олиш бўлинмаси бошлиғи.

Бизга ёзадилар

«ГУНЧА»НИНГ МЕҲРИБОН МУРАББИЙЛАРИ

Бундан 2 йил аввал Облиқ қишлоғида «Ўзбекрезинатехника» заводи маъмурияти аҳоли талабига мувофиқ 280 ўринли боғча қуриб берган ва «Ғунча» деб ном олган бу тарбия масканига шу соҳани пухта билган болажон аёл Нодира Ёқубова мудира этиб тайинланган эди. Уни ота-оналар ҳурмат билан болаларимизнинг жонкуяр мураббийси дейишади. Бу бежиз эмас. Мудира ҳаракатчан ва меҳрибон. Икки йил мобайнида мазкур боғчада қатор ўзгаришлар рўй берди. Унинг ҳудуди ободонлашди, моддий базаси мустаҳкамланиб, тарбияланувчиларнинг соғлом улғайишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилди.

Бу ерда тарбиячилар иш услуби бўйича вақти-вақти билан кўриклар уюштирилиб борилмоқда. «Имтиҳонлар»дан яхши ва аъло баҳолар билан ўтган Ҳ. Ҳаётова, М. Сайдолимова, Ф. Бегматова кабиларнинг тажрибалари оммалаштирилаётир.

Боғчада жажжиларда гўзаллик ҳиссиётини шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Мусиқа хонасида пианино, дутор, доира ва бошқа асбоблар мавжуд. Мусиқа раҳбари А.Юсупов кичкинтойларга қўшиқлар куйлашни, рақсларни ўргатмоқда. Болажонлар гуруҳларга бўлиниб, дасталар тузилган. Улар ота-оналарга концертлар кўрсатиб туришади.

ТИББИЙ МАВЗУЛАРДА СУҲБАТЛАР

ОҲАНГАРОН туманининг Собир Раҳимов жамоа хўжалигида жойлашган амбулаторияга кўп йиллардан буён Абдулла Алибоев мудирлик қилиб келмоқда. У ҳамширалар Т.Райимбоева, Х. Комилова, Г. Алибоевалар билан биргаликда тез-тез аҳоли орасида суҳбатлар уюштириб туради. Хусусан ўтган йили «Ёш она нималарга эътибор бериши керак?», «Тозаликка риоя қилинг, касалликка чалинмайсиз», «Боланинг саломатлиги онага боғлиқ» каби тиббий мавзулардаги мулоқотлар яхши самара берди.

Шунингдек, амбулатория нажоткорлари ўтган йилнинг кузида Илғор, Ўртаовул, Бешовул, Саломкалта, Тўқай, Янгиҳаёт маҳаллаларида бўлиб, болаларни қоқшол касаллигига қарши эмлашни пухта ташкил этишди. Бу ишда Сойоғзи, Гўштсой, Кўчбулоқ қишлоқлари тиббий пунктлари мудиралари Т. Бўронова, Г. Ҳамроева, Р. Бобоева, А. Бегматовалар алоҳида фаоллик кўрсатдилар.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

35 ЁШ ВА УНДАН ЮҚОРИ

Футбол

Ноябрь-декабрь ойлари айни қирчиллама қиш бўлишига қарамай Тошкент вилояти стадионлари спорт мухлислари-ю, томошабинлар билан тез-тез гавжум бўлиб турди. Ана шу ойларда футбол бўйича вилоят фахрийлари ўртасида биринчилик мусобақалари ўтказилди. Унда 35 дан юқори ёшдаги футбол фахрийлари қатнашди. Ҳал қилувчи баҳслар оппоқ қор билан тўшалган ўйингоҳларда ўтказилишига қарамай ғолиблик учун кураш қизигандан-қизиди. Бекободнинг «Металлург» жамоаси сурункасига тўртинчи марта фахрийлар мусобақасининг ғолиби бўлди. Чирчиқ командаси иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин эса оқ-қўрғонлик футбол фахрийларига насиб этди. Голиблар вилоят спорт қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

В. КОПАНЕВ, вилоят футбол федерацияси раёсати аъзоси.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Биз юқоридаги мактубни газетада босишга тайёрлаш жараёнида вилоят ички ишлар бошқармасига қўнғироқ қилиб, ана шу воқеа тафсилоти билан қизиқдик. Аммо шу кунлари милиция майори И. Ҳотамов Оҳангарон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи муовини лавозимига тайинланган ва у ерда дастлабки иш фаолиятини бошлаб юборган экан. У билан телефон орқали боғландик.

— Ҳа, шундай нохуш ҳодиса бўлиб ўтди,— дейди у.— Юк машинаси кўз олдимда ағдарилиб кетди ва жарлик устида ёна бошлади. Унинг ичида ҳайдовчидан ташқари яна бир неча одам бор эди. Улар ёрдам сўраб бақиришар, ён атрофдаги одамлар эса воқеа жойига яқин келолмай узоқдан кузатиб туришарди. Худди мана шу нарса — одамлардаги лоқайдлик суяк-суягимдан ўтиб кетди. Ахир бундай вақтда қайси тирик вужуд ҳалокатга учраган кишиларнинг дод-фарёдини жимгина кузата олади?!

Юрагимда бир оғриқ билан ағдарилган машина олдига югуриб бордим ва унинг олд ойнасини синдириб, ҳайдовчи ва унинг шеригини чиқаришга кўмаклашдим. Бахтга қарши, машина юкхонасида ҳам одамлар бўлиб, етмиш-саксон қоплик маҳсулот ағдарилиб, уларни босиб қолган эди. Автомашинадан юкларни зудлик билан тушириб, юкхонадаги одамларни ҳам соғ-саломат қутқариб олдик.

Аслида мен қилган бу ишни бошқалар ҳам қила олиши мумкин эди. Лекин негадир шу куни ҳодиса атрофида тўпланган айрим кишиларнинг томошабин бўлиб туришларини кўриб, менга одамларда оғир дамларда ёрдамга шай туришдек юксак фазилатлар бироз камёблашиб қолгандек туюлди ва бундан афсусландим.

Мана, янги 1995 йилни ҳам кутиб олдик. Мен истайманки, бу йил халқимизнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати, ишонч-садоқати, айниқса, оқибатнинг устунлиги билан тарихда қолсин. Чунки чинакам меҳр-оқибат ҳар қандай фалокатнинг олдини олишга қодирдир.

Бизга ёзадилар

«Каз эмасе»

● ЙИЛНИНГ охирги куни бошланиши билан Татариқистон қишлоқларида хотин-қизлар хўроз қичқирмасдан уйғонадилар. Бу кунга бамисоли умумхалқ хашаридек олдиндан тайёргарлик кўришади. Бу анъана _ «Каз эмасе» деб аталади.

Бундай хашар энг семиз ғозларни тутишдан бошланади. Айрим хонадонларда шу куни бир йўла 10-20 бош парранда сўйилади. Ҳеч қандай, ҳатто, энг чаққон, саранжом-саришта уй бекаси ҳам шунча ғознинг патини юлиш, туклarини куйдириш, ювиш-тозалаш ва бўрчалаш каби кўп ишнинг уддасидан чиқаолмайди. Бундан ташқари гўштни қуритиш, суст оловда дудлаб олиб, қишда тановвул қилишга тайёрлаш талаб этилади. Татарлар ғоз гўштини сақлашнинг устаси фаранглари ҳисобланишади. У ертўлада бир йил сақланса ҳам таъми янгидек сақланиб қолади.

Бу юмушларнинг ҳаммасини бир кунда уддалаш учун қишлоқдаги хонадонлар ўз қўшнилари, танишлари, қариндош-уруғларини ёрдамга чақиришади. Айрим ҳашарчилар Қозондан, ҳатто, яқин хорижий мамлакатлардан ҳам келадилар.

«Ғоз хашари» иштирокчиларини ажойиб зиёфат кутади. Тушликка ғоз ёғида қалин билмилдиқ пиширилади, кечки таомга ғоз гўшти қиймаси солинган сомсалар, янги қовурилган ғоз гўшти тортилади.

Шу куни қизлар елкаларига обкаш қўйиб дарё томон борадилар. Обкашларга челак ўрнига сўйилган ғозлар осилган бўлади. Айтишларича, музни ёриб дарё сувига чайиб олинган ғозларнинг таъми ўзгача бўлар эмиш. Болалар эса ҳовлима-ҳовли югуриб, ғоз патларини сочишади. Патлар қанча узоққа учиб борса, янги йилда парранда шунчалик кўп бўлади, дейишади.

ОЛТИН ЁМБИЛАРИ

● ХИТОЙДА бошқа табиий бойликлар қатори олтин конлари ҳам кўп. Қазиб олинаётган бу қимматбаҳо металл орасида ёмбилари ҳам учраб туради. Қадимги замонларда топилган шундай камдан-кам ёмбиларни ит калласи шаклини эслатувчи бўлгани учун «Гоутоуцзинь» деб аташган. Эндиликда эса ҳамма олтин ёмбиларини шундай дейишади.

Фақатгина асримизнинг саксонинчи йилларида ўрта ва катта ўлчамдаги элликтадан ортиқ шундай ёмбилар топилган. Улар орасида ҳақиқий «гоутоуцзинь»лари ҳам учрайди, яъни шакли ҳақиқатдан ит калласини эслатганлари ҳам бор. Ҳар бирининг вазни 500 граммдан ортиқ. Улар орасида новвос бошига ўхшаши ҳам бўлиб, у 4900 граммлик тош босди. Энг қимматлиси оғирлиги 4200 грамм бўлган соф олтиндир, чунки у Ганьцзи вилояти кўринишини эслатади.

Қимматли маъданларга ишлов берувчилардан бири шундай минерални иккига бўлганида унинг ичида ҳақиқий «жўжа»ни топди. Унинг патлари, кўзлари, тумшуғи худди ҳақиқийга ўхшарди, деб ёзади шу ҳақда «Хитой» журнали.

СУНЪИЙ ГАЗ КОНИ

● ПРАГАДАГИ турли ташкилотлар ўз ахлатларини узоқ вақт давомида ана шу шаҳар яқинидаги Либуш деб аталадиган пастлик жойга тўкарди. Бунинг натижасида 17 гектар ер эгаллаган майдонда қалинлиги сал кам 35 метрли зичланган чиқиндилар қатлами ҳосил бўлди. Кислород кирмаганлиги учун органик моддаларнинг чириш жараёни шунга олиб келдики, ахлатхона ўзига хос ёқилғи гази кони бўлиб қолди.

Газ ҳолидаги ёқилғининг ҳажми ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида тажриба бурғалаши ўтказилди. Натижаси яхши бўлди: ахлатхонадан саккиз йил давомида 8000 киловатт қувватли қозонхонани ишлатиш учун етарли миқдорда газни олиш мумкин экан. Бундай қозонхона 4500 хонадонни иситиш учун кифоя қилар экан. Бу ҳар йили 260 вагон қўнғир кўмирни тежаш имконини беради.

Бу манба саккиз йил фойдаланганидан кейин аста-секин камбағаллашиб боради, бироқ бунинг ҳам фойдаси бўлади. Ахлат босиб ётган майдон кўкатлар ўсишига ҳалақит берадиган газдан халос бўлади, унинг ўрнида яхшигина боғ барпо этиш имкони туғилади.

ДЕНГИЗ САТҲИ КЎТАРИЛИШДА

● БУТУН жаҳондаги денгизлар суви сатҳининг кўтарилиши давом этмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатди. Сув сатҳи кўтарилишининг тезлиги юзаки қараганда жуда озга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам у йилига 1,3 миллиметрни ташкил этмоқда. Бу асосан ҳавонинг тобора исиб бораётганлиги натижасидир.

ЭЪЛОНЛАР

Ҳамза туманига қарашли ЛТД «Джет-Сервис» фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

***

Сирғали тумани 300—мактаб-лицей томонидан 1994 йил Сафронова Александра Станиславовна номига берилган АО N001396 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Сирғали туманига қарашли «Экспресс» фирмасининг думалоқ муҳри ва учбурчакли штамп йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Акмал Икромов туманига қарашли «Гулшан» автокооперативи
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Даъволар бир ой ичида қабул қилинади.
Тел: 75-00-64

***

Тошкент шаҳар 256-мактаб томонидан Ишонжонов Сарвар Тўлашбековичга берилган А № 427298 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33–40–48* *Эълонлар: 33–99–15, 32–57–27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0007. 18527 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.00. 1 2 3 4 5 6